


ЮЗЫ

# ДЮЛДУЗ КУКДА СҮНАДИ

Киссалар



СОИИМ ИСҲОҚОВ  
ЮЛДУЗ КЎКДА СЎНАДИ

---

ҲАБИБ ТЕМИРОВ  
ХИЁБОНДАГИ ОДАМ

---

НАЗАР ЭШОНҚУЛОВ  
УРУШ ОДАМЛАРИ

---

Қиссалар



ТОШКЕНТ  
Faafur Gулом номидаги Адабист жаҳонъати палпирбенни  
1989

Уз2  
Ю31

С — 4702620201 — 94  
М352(04) — 89 144 — 89 © Гафур Гулом номидай  
на санъат нашриёти, 1989

ISBN 5 — 635 — 00417 — 2

Сойим Исҳоқов

## ЮЛДУЗ КҮКДА СҮНАДИ

Отам Исҳоқ Ражаб ўғлиниң ёрқин хотирасига бағишлиман.

### I

Тирканинг олди пешайвонли, томи лойсувоқ уйини Күргондаги бошқа уйлардан фарқ қилиш қийин. Бир томондада урилган тұрт пахсали құрғон девори ҳар отци томондан шу уйга туташған. Вақт үтиши билан бир пакшы нурай бошлаган. Тәгидан ҳам емирилиб, атроғын читир, чучмома, сақратқи каби үт-уланлар босған. Ҳөзининг жаңуб томонидаги қоқына дақлизли уйда Тирканнинг катта ўғлы Мамаражаб турарди. Ҳозир у бүш...

Үй ичи галвирдан үтказилған қипиқ сомон билан сувалған. Иргай ёғочидан йўнилған қозиқларга турилғанлар, кийим-кечаклар илингандар. Тұрда күрпа-ёстиқ ишнеги таҳмон. Ерга бир сидра олача, кигиз, унинг үстидан айлантириб пўстак түшалған. Ҳафсала билан сувалған, оқ эчкининг терисидан қуралған пўстаклар бу копадон соҳибасининг дидликкина эканлигидан дардоат беради.

Тиркан ашадан буен бетоб. Ғор томонга очиладын дарча синига тұшак соладырып ёстиди. Келини Ҳинагул билан кичик ўғлы Бебит ишда. Неваралари Ҳөзинниңда. Марварид уларни атайды құласиникига ғанааб қелған. Назаридә чоли Бугун ҳар қунгидан ғирашиброқ қолғандай туюғанди. Касал ётған уй осойншыға ғұлғани мәйқұл. Узи уйни ифлослантириб юборнасанык учун пойғакда пўстакнинг ёрғоқ томонини тұшаб, үрчук йигиради. Жүссаси чуваккина. Ажинлар из соғада юмалоқ юзларидами, күзларидами болаларча Оир маъсумлик бор. Бу сифат ўта қаноатли, турмушпенг аччиқ-чучугига бирдей күникадиган одамлардагина ғұлади...

Тиркаш кечга яқин күзини очди. Қаддини ростламоқчи бұлды-ю, дармони етмади. Тили үқдай, лекин томоқчаторқ. Кунига бир-икки ютум сутми, аталами тотинарди. Бугун у ҳам үтмади.

— Мени тургазиб қўй,— деди кампирига.

Марварид суюб, дарча томонга қаратиб үтқазди. Тахмондаги кўрина-ёстиқлардан олиб, ёнверига қўйди. Кейин пойгакка үтиб, яна ўз ишига тутинди.

\* \* \*

Баҳорнинг яшил гилами шундоққина дарчанини тагидан бошланади. Қуёш увада булатлар орасидан ярқ әтиб чиққан пайтларда турли-туман үтларнинг сариқ, қизғиш, бинафша гуллари бодраб куринади. Булатлар орасига яширинганида эса майда гуллар хира тортади. Синчиклаброқ тикилмаган одам уларни илғаси маслиги мумкин.

Дала-тузнинг майсаларга бурканганига кўп булди. Қуёшли кунларда ердан енгилгина ҳовур кўтарилади. Тез-тез қуйиб үтадиган баҳор ёмғирлари ерга деярли сингмайди. Кўпчиб ётган тупроқ намчил.

Бундай пайтларда Тиркаш, даштда бўлса, қоқи териб тузлаб ейишни, тоғда равочнинг ўзагини чайнаб шимишни яхши кўрарди. У қоқи билан равочни ҳозир ҳам қўймайди. Бироқ энди илгариги куч-қувват, ҳафсалаша қайдади. Бироннинг териб келганини ҳам еёлмайди. Баъзи баъзидағина дарчадан қулф ураётган майсаларга, баҳмалдай товланаётган қирларга, вазмин мудраётган тоғларга суқланиб тикилади, соатлаб хомуш үтиради.

Юрагини ўртаётган ўқинч ва армонлар сабаби ўзигагина аён. Аммо сокин ақли шуури қалб амрига бўйсунса қани!

Марварид жимгина урчуғини йигиради. Ора-чора чоли томонга нигоҳ ташлайди. Унинг ўйлар гирдобида әзилиб үтирганини кўриб, бирор нарса демоқчи бўлади-ю, лекин журъат қилолмайди.

Тиркаш ёғи тугаётган чироқдай кундан-кунга суниб бораётганини билади. Гоҳо яқинларини йифиб, айтадиганини айтмоқчи ҳам бўлади. Эртароқ шундай қилмаса фурсатни үтказиб қўядигандай туюлади. Чиқмаган жондан умид, деб яна фикридан қайтади.

Кексалик етгач, ҳар қанча ўжар одам ҳам шаштидан қайтади. Айниқса, ўлими олдидан энг чурткесарлар

ҳам ипакдай мулойим тортиб, кечмишдаги яхши-ёмон ишларини сархисоб қилиб қолади. Тиркаш, назарида, умрида бирөвгә ёмоналик қылмаган. Нурилла дүмни қисобга олмаганда, ҳеч кимга озор етказгани йүк. Баҳоли қудрат бирөвларни құллаб-қувватлади. Үзи қам бирөвдан ёмоналик күрмади. Шу сабабдами, куни тұғаб бораётгандай туюлса-да, анча хотиржам күринади. Ич-ичидан қайнаб чиқаётган түфенни ҳеч кимга, ҳатто қамнирига ҳам сөздирмасликка ҳаракат қилади.

Унинг ҳаммадан пинхон дарди эса бошқача дард!

Камниридан бир нарсаны яшириб бұлармиди. Тирланнинг дилидагини ҳеч ким Марваридчалик билмас. Гүрмүш қуришганиңа қирқ йилдан ошди. Шу давр ичида шодлигу ташвишлари ўртада бұлды...

Гиркаш азалдан қаттиққұлроқ әди. Баъзан қаттиқ-құллыкни ҳаддидан оширса оширгандир. Болаларни төргаш, түғри йүлға солиб туриш — ота-онанинг вазифаси. У нима қылған бұлса, үз бурчини сидқидиңдан бағариш учун қилди.

У яқин-яқынларгача шундай фикрда яшади. Аммо кейинги түрт-беш кундан бери күнглида шубҳа пайдо бұлды. Баъзи қылышлари учун пушаймонликка үхшашиб түйғу юрагидан ачиган хамирдай тошиб чиқади.

У яшил қирлар узра Қорақуш тоғига қаради. Чүккиси юксакларға буйй чўзган. Тепа қисми түмшүққа, ён томонлары текис тарапиб түшгап патта үхшайди. Бу «түмшүқ» на «пат»ларнинг ҳар бири камида үйдай келадиган қора нарсанглар әканligини Тиркаш яхши билади. Қийқим даңталаридан ана шундай майда ва бежирим күришпәді улар.

Қиличмозор қишлоғидан Қорақушгача бұлған жойдардаги катта-кичик үнга яқин қишлоқни Қийқим дейишади. Айтишларича, қийқимліклар юз уруғига наисуб булиб, Субхонқулихон замонларидами, ундан одан ё кейинроқми, қаердандир — жануб томонлардан үчиб келиб ўрнашиб қолишган әкан. Лекин Қийқимдан Нуротагача тоғ ёқалаб чўзилиб кетган кенг жойдаги шалар ўзларини, туркман уруғиданмиз, деб юришади. Түркман юз уруғининг бир новдаси әканligини эса камдан-кам одам билади.

<sup>1</sup> Баъзи жойларда қишлоқ совети идорасини дүм дейишган жаңа ишлайдиганлардан айримларига шундай лақаб беришган.

Қийқим туркман уругига мансуб бұлса-да, шу уругнинг турли аймоқларидан йиғилиб келиб ўрнашган қурама әл. Қийқим номи балки шундан келиб чиққандыр. Колхоз тузилганига қадар құшни қирқ уруғининг одамлари билан ер-сув ва яйлов талашып, тез-тез жанжаллашиб туришарди. Қирқлар билан жанжал чиқмаган йилларда үзаро ёқа бүғишиб туришган: түқсон турон билан, турон ҳожи<sup>1</sup> билан ва ҳоказо. Баъзилар шунга нисбат бериб: «Қийқиллашиб уришаверғанлықдан Қийқим аталғанмиз», дейишади.

Номи қандай келиб чиққанидан қатыи назар, Қийқим юз йиллар мобайнида яхлит бирликни ташкил қылған жангари әл. Унинг бутунлигига колхозлаштириш ҳам дахл қылолмади. Ерлари үзларига тегиб, құшни хұжалик-ларга нисбатан каттароқ бұлса-да, үзи бир колхоз бұлды. Илдизи тугатылғач, майда-чуйда жанжаллар үз-үзидан барҳам топиб кетди...

Әмғирдан кейин, ҳаво намхуш күнларда, одам хаёл суришга мойил бўлиб қолади. Қирлар бағрида келин-чакдай ишва қилаётган гуллар орасида чалқанча ётсангиз-у, парқув булатларга тикилғанча хаёлга эрк берсангиз...

Тиркаш бундай қылолмайди. Бундай қыладиган пайтлари ўтиб кетганига күп бұлды! Түғри, у ҳам хаёл суради, лекин фақат уйда — бемор тұшагида. У үлім яқинлигини сезяпти. Аммо айнан шу күнларда үлгиси келмайды. Ақалли яна бир йилгина яшаса! Эҳтимол, вужудини ўртаётган айрим хатоларини тузатыб улгурармиди...

— Кампир,— у Марварид томон үгирилди.— Шундай... улиб кетармикинман-а?

— Гапингизни ел учирсин-ә, отаси,— деди кампир бушашиб.

— Нима, мен дунёга устун бұлармидим.

— Яхши гапгаям, ёмон гапгаям фарышталар овмин дермиш. Сиз ҳали құлундайсиз, үлімни тиңгі олманды.

— Күнглімни күтариш учун шундай дейсан-да... Соғ-саломат гул фаслиға етдім. Энди тош қызынга етсайдим, үлмасдым. Бунга еткізмай омонатини қистаб қолса, билмадым...

Марварид индамади. Тиркашнинг үлім түргесидаги гапларини әшитгиси келмади. Кейинги күнларда унга үзи бир гап бұлды, үлімни күп тиңгі оладиган бўлиб қолди.

<sup>1</sup> Түқсон, турон, ҳожи — Қийқимнинг айлоқлары

Марвариднинг юраги увушди. Тиркаш чарчаб, тұшағына чүзилмоқчи бұлаётган әди, туриб сұяды. Устига күрпі айналғанда. Чол күрпани бошига тортиб, үраниб олди...

Хозир мушукка үхшаб мудрашдан бошқасига ярамаса ҳам, бир пайтлар үт-олов әди. Исми ҳам шунчаки Тиркаш әмас, Тиркаш тентак әди. Катталар шундай дейишарди. Аслида бу лақабни янгалари қўйишган әди. Тентак бола, дейишарди улар. Тентак сўзини янгалари жинни, онсар әмас, танти, чурткесар маъноларида ишлатишарди.

Лақабидан у на қувонарди, на хафа бўларди. Ўрганиб кетган әди. Бора-бора баъзи ошналари жўнгина Тиркаш дейишса, эриш туюладиган бўлиб қолди. Бу пайтда «Тентак боланинг» овози дўриллаб, янгалари аввалгида қақиришолмай қолганини дафъатан ўзи сезмай қолибди. Кейин уйланди, бола-чақа орттириди. Улар улғайишгани сари гарданидаги ташвишлар ҳам ортаверди. Тўнгич ўғлини уйлантириди. Яккаю ягона қизи эса...

## 2

Наврӯз оқшоми әди. Қийқимнинг ҳамма қишлоқларидаги ёшлар йиғилиб келишиб, Қўрғонжарнинг орқа тарафидаги Каттақир тепалигида ярим кечагача ўйин-кулги қилишди. Кейин уй-уйларига тарқалишди. Фақат Гулсара қайтмади. Дугоналаридан бирортасиникига кирғандир, деган хаёлда Марварид уни анча күтди. Келавермагач, юрагига ваҳима тушиб, қўни-қўшнилардан киши билмас суриштира бошлади. Кўрдим деган одам топилмагач, Мамаражаб билан Бебитни оёққа турғизди. Аммо у йўқ әди. Эрталабга яқин эсарқишлоқлик Мамат деган йигит билан қочиб кетгани маълум бўлди.

Бу хабар Марваридни бепичноқ сўйди. Босган қадами ёрқага кетиб болалари билан уйига қайтганида, чоли бомдод намозини ўқиб бўлганди. Тиркаш бир қараашдаёқ уларнинг жонсарак туришганини пайқади. Унга ҳақиқатни айтишдан бошқа илож йўқ әди.

— Шарманда қилдиларинг, шарманда!! — Тиркаш сакраб турди.— Юзимни ерга қаратиб, тупроққа кўмдиларинг мени!!!

Овози титраб, Марварид нимадир деди. Нима деганини ҳеч ким әшитмади. Афтидан: «Туғсан ўзини туғибман, феълиниям туғибманми», деди шекилли. Тиркаш саратонда ёқилган ўтдек ловилларди.

— Эл ичидә қандай бош күтариб юраман! Шу пайт гача ганимни биронга бермагандым, бошимни срга буқдиларинг!!

Бақирганида Тиркашнинг күзлари косасидан иргис чиққудай буларди. Ғазабнинг кучлилигидан оғзи кўпик ланиб, ранги бўзариб кетди. Марварид сўзсиз-садоси титрар, кўзларидан мильт-мильт ёш томчиларди. Бошқалар хам карахт. Лом-мим деб оғиз очишга қўрқишаради.

Кутилмаганда Тиркаш кампирининг ёқасидан шаша ушлаб, юзига тарсаки тортиб юборди. Марварид ердаги кўриналар устига йиқилгач, бир-икки тепди. Мамаражаб билан Бебит баравар ташланишиб, зўрга ажратиб олишди.

У сўкинганча иккинчи хонага ўтиб кетди. Даҳлизда юрак ҳовучлаб турган Хинагул тезгина ичкарига кириб, қайнонасига дарча ёнидан жой қилди. Кампир юзини ёстиққа босганича, елкалари титраб, овозсиз йиғларди. Болалари тасалли берадиган гап топишполмай, эзилиб ўтиришарди. Хинагул сочилиб ётган ортиқча кўрпа ёстиқларни тахмонга йиғди.

Иккинчи хонага киришга на Мамаражабнинг ва на Бебитнинг юраги бетламади. Оналари ёнида ер чизиб ўтириш ҳам оғир эди. Охири Бебит отаси ёнига чиқди. Баъзан ташқарига чиқиб келгани ёки онасидан хабар олиб турганини айтмаса, кун бўйи унинг ёнидан жилмади. Лекин Тиркашнинг ёстиқдан бош кутарганини кўрмади. Бирор нима тамадди қилиш у ёқда турсин, кечгача ақалли сув ҳам ичмади. Ялангқават кўрначага кўксини босганча мук тушиб ётди. Аҳён-аҳёнда оғир уф тортиб, бошини бир томондан иккинчи томонга ўғираради. Бебит эсини таниб, унинг бу даражада қаттиқ куйинганини кўрмаган эди...

Тиркаш чуқур руҳий азобда ўз ёғига ўзи қовриларди. Баъзан хаёлида қизи билан Маматнинг уловдами, пиёдами қочиб кетишаётгани гавдаланиб, дардли инграйди. Қўлларини мушт қилиб срга тираганича, тишларини фижирлатади. Унчалик узоққа кетишмагандир улар: Эсарқишлоқдами, Маматнинг шу атрофдаги қариндошлиридан бириникидами бекиниб ётишгандир. Тонганида қўлидан нима келарди? Қизни уйига қайтариб келиш — қочиб кетганидан баттар иснод. Бир умр қариқиз боқади!

У шунисига ҳам рози эди. Қилмиш — қидирмиш. Аммо исноди-чи?! Одамлар бусиз ҳам қўлинни бигиз

қилиб курсата бошлашади уни. Беш-олти гийбатчига гап топилди. Анчагача шу түгрида жағ қайрашади!..

Хожи билан Синдор раис бошлиқ уч-түрт қарип-қартантнинг келиб-кетганини демаса, ҳовлида кун бүйи ҳеч ким күринмади. Баъзи-баъзида Хинагул чиқиб, молларнинг ўт-сувидан хабар олиб турди. Кечга яқин ҳовлидаги бостирманинг бир четида боғланиб турган ити Қорабойга овқат берди. Кун ботиб, уй қоронғи-лашгач, ҳар икки хонага чироқ ёқди. Боласини бешиги билан кўтариб, қайнонаси ётган уйга олиб кирди. Чой қайнатиб қайнотаси ёнига дастурхон ёзди. Бебитга, отами турғазинг, деган маънода имо қилди. Ўзи эса нариги хонага ўтиб кетди.

— Туриб бир пиёла бўлсаям чой ичинг, ота... — Бебит ботинмайгина овоз берди.

Тиркаш оғир қўзғалди. Юз-қўлини ювиб киргач, бир пиёла чой билан у-бу тотинган бўлди. Кейин юзига фотиҳа тортиб, қайтадан мук тушиб ётиб олди.

### 3

Ўғлининг бемаъни иш қилиб қўйганидан Исмат таҳликага тушиб қолди. Бу ҳодиса бир замонлардагидек икки қишлоқ орасида хунук можаролар чиқармаслигини билса-да, Тиркашнинг қизиққонлиги маълум әди. Ҳализамон болта-теша кўтариб, катта бир ғурбатни бошлаб келиши ҳам мумкин...

Мамат Исматнинг «тилаб олган» боласи. Емай едирди, киймай кийдирди. Вақти келиб уйлантироқчи бўлганида, боласи тушмагур: «Тиркашнинг қизини ол масам ўламан», деб туриб олди. Ноилож совчи юборганди, Тиркаш: «Исматнинг боласига берадиган қизим йўқ», деб ўжарлик қилди. Оқибат... Қочиб қаердан «бошпана» топишгани Исматга қоронғи әди.

Исмат, ҳарчанд таҳликага тушгани билан, жуялироқ тадбир тополмагач, уйидан чиқмай ётаверди. Ана келадимана келади билан Тиркашни тушгача кутди. Ундан дарак бўлмагани сари хавотири ортарди. Биқсиган оловдан қўрқ. Кечроқ алангаларади-ю, ловиллаб кўтарилади. Ҳўлу қуруқни баравар куйдиради...

Исмат пешинга яқин шинга тикилиб ётаверишидан фойда йўқлигини англади. Ўйлашиб-кенгашиш мақсадида қишлоқ кексаларини уйига йигди. Исмат уларнинг

маслаҳатига кўра, Тиркашга сўзи ўтадиган кишиларни Қийқимнинг узидан таnlади: Синдор раис ҳамда Ҳожини олиб уйига борадиган бўлди: ҳар тоғу тошнинг кийигини уз бўриси овласин...

Меҳмонлар әшикдан киришганида, қош қорайиб қолган эди. Бебит наридан-бери тўшаган кўрпачаларга ўтиришгач, гоҳ бир-бирларига, гоҳ Тиркашга маъноли қарай бошлашди. Ҳеч кимнинг биринчи бўлиб гап бошлагиси келмасди.

Тиркаш ҳануз мук тушиб ётарди. Меҳмонларга үгирилиб қаради-ю, саломларига алик олмади. Бу яхшилик аломати әмасди. Шунга қарамай, Ҳожи тилга кирди.

— Кўкракни ерга бериб ётаверма,— деди у.— Кундуз шундай ётгандинг, ҳали ётибсан. Ўлигини кутар мундай!

Тиркаш бу гапни әшитмагандай, ақалли қимиirlамади. Ҳозир ҳеч кимга қўзи учиб тургани йўқ эди. Синдор билан Ҳожининг Исматни етаклаб киришганидан эса жон-пони чиқиб кетаёзди. Бу ишда заррача иштироки йўқлигини била туриб, ичқоралик билан ўзича уни айбларди: «Боласига Гулсарани олиб қочишни ўзи ўргатган. Мени шарманда қилиш, юзимни ерга қаратиш учун шундай қилган,— деган фикр миясини тинимсиз пармаларди.— Ҳожи-ку, қип-қизил тентак, Синдор раис ҳам аҳмоқ! Унинг кетига ўхшатиб тепиб жўнатиш ўрнига етаклаб келиб ўтиришипти!» Баъзан йигитлик пайтларидағидек «сўкишиб» юрадиган қадрдон жўраси — Ҳожининг «эркалиги» ҳам ботмади. Қаттиқ-қурум гаплари билан, юз берган кўргилик кишини кулфатга соладиган ишлардан әмас, демоқчи. Бу шармандаликнинг устидан мола босмоқчи! Шуми ошна-офайни, қариндошлардан келадиган оқибат! Синдор Тиркашнинг кўнглидан кечаётган фикрларни билгандай, Ҳожини секингина туртди: оғзингизга эҳтиётроқ бўлинг.

— Бунчалик диққат бўлаверманг, Тиркаш ака,— деди у, сунг босиқ оҳангда қўшиб қўйди.— Бундай воқеалар булиб турари элда. Бурунғини айтма, сўнгини айт, қўнғир сигир соққанни айт, деган гап бор. Бу ишни бир ёқли қилиш йўлини ахтарайлик. Мана, Исмат аканинг ўзи бўйин этиб келиб ўтирипти

ёнингизга. Ҳар ҳолда, қадимдан ажриқнинг илдизидай чатишиб кетган элмиз... Бир ёқаю битта енгиз...

Сўзлаш навбати ўзига келганлигини пайқагач, Исмат оғир аҳволга тушиб қолди. Тиркашнинг бир ҳолатда ётганини куриб, унга сидқидилдан ачинди. Кўнглида ўғлини койиб ўтиради-ю, фойдаси йўқ.

— Икки ёш шундай аҳмоқлик қилипти, Тиркаш ака,— деди таваккалига.— Уларни кечиринг, гуноҳларидан ўтинг... Бир муросага келайлик энди...

Тиркаш шартта бошини ёстиқдан кутарди. Исматга еб қўйгудек тикилаётган кўзлари қонталаш бўлиб кетганди. Овози кескин ва қаттиқ жаранглади:

— Сенларга берадиган қиз йўқ менда! Анови беномус менинг қизим эмас, билдингми, қирқнинг бефаросат эшишаги! Оқ қилдим уни!! Думингни ликиллатиб олдимда супурги қилма-да, жўнаб қол! Қачондир қўлимга тушсанг, билиб қўй, сендан ёки болангдан қандай уч олишимни ўзим биламан! Бундай пайт келмаса, икки қўлим ёқангда кетади!

Исматнинг тили танглайига ёпишиб, гапи бўғзида қолди. Тиркашдан аччиқ таъналар кутганди-ю, лекин бу даражада арқон узар ҳақорат бўлар деб ўйламаганди. Айниқса унинг сунгги гаплари ёмон эди. Ўлганинг кунидан ер чизиб ўтирди. Лекин чиқиб кетмади. Назарида Тиркаш ҳақ эди. Агар ўз қизини олиб қочишиша, эҳтимол, қуда томонни у ҳам шундай ҳақорат қилган бўларди.

Тиркаш бошини ёстиққа ташлаб, қайтадан ётиб олди. Бир лаҳза, атиги бир лаҳза, ошириб юбормадиммикан, деган фикр миясида учқундек йилт этди.

Синдор билан Ҳожи уни инсофга чақириб куришди. Бундан натижа чиқмагач, Ҳожининг жаҳли қўзиб кетди:

— Сени одам деб, оёғингга бош уриб келган бу одам. Оёғига чилвир тушган ҳўқиздай юмаламай тур ўрнингдан!— деди овозини кутариб.

— Сени чақириб келганим йўқ.— Тиркаш ётган кўйи хушламайгина жавоб берди.— Келган бўлсанг, гапни чўзмай кет энди.

Бебит мўлтираб раисга қаради. Синдор оғир сўлиш олиб, индамай ўрнидан турди. Иззати битганлигини билгани учун Исмат ҳам қўзғалди. Ҳожининг эшиқдан жимгина чиқиб кетгиси келмади. Тиркашнинг мум тишлаб ётиши, гапирган пайтидаги тўнг ва совуқ муомаласи иззат-нафсига теккан эди.

— Эзгилайверсанг ўлиқдан ҳам ел чиқади,— деди кетар жафосида кесатиб.— Сен ўлиқдан ҳам баттар әкансан!

Тиркаш чидаб ётолмади. Зардаси қайнаб бош күттарди ва ёстигини жон-жаҳди билан Ҳожига отди:

Э, гингшимай ўл-э, энағар!..

Ҳожи даҳлизга қочиб чиқди. Ёстиқ «пап» этиб әшикка тегди.

4

Тиркаш тонгга қадар киприк қоқмади. Баъзан сал кўзи илингандай бўлади. Лекин бундан сира ором тоғмасди: алоқ-чалоқ тушлар куриб уйғонади. Қулоқлари шангиллаб, мияси лўқиллайди. Баъзан уйнинг қайсиридир бурчагида Ҳожи тиржайиб турғандай туюлади-ю, тинчи йўқолади. Унинг гаплари юрагига тош бўлиб чўккан әди. Тўғри, үзи ҳам ҳақорат қилди уни... Шунга мажбур бўлди-да...

Дарча зирҳларидан тонг шафаги сизиб кирди. Қайдадир чўзиб хўroz қичқирди. Турли хаёллардан мияси ғовлаган Тиркаш ташқарига чиқиб келиш учун қўзғалди. Эшикдан чиқаётib яна Ҳожининг гапларини өслади. У биринчи бўлиб устимдан очиқ кулди, деб ўйлади. Эрта-индин одамларга қўшилиш фикридан эти увушди. Улар орасида Ҳожи битта әмас. Юзига айтотмагани билан орқадан калака қилишади. Балки юзига ҳам айтишар: беномуснинг отаси, дейишар.

Беш-тўрт йил аввал қўшини қишлоқдан бир қиз қочганди. Отаси каттагина дов-жанжал кутарди. Иш қишлоқ советига маълум бўлгач, қизнинг отасини жавобгар қилиб юборишларига сал қолди. Хотин-қизлар ҳуқуқини поймол қилувчи қулоқларнинг думисан, деб айблашди. Шўрлик ота «қулоқнинг думи» бўлишдан чўчиғанми ё кимдир хатти-ҳаракатлари бефойдалигини тушунтиргани, бирдан жанжал босилди-қолди. Одамлар анчагача орқаворатдан кулиб юришди.

Тиркаш бу ҳодисага у қадар эътибор бермаган әди. Ўша кунлар энди ўзининг бошига тушди! Аламдан тишлари такиллади: «Ўз болангга сўзингни ўтказолмасанг!.. — дея ўйларди ваража тутгандай қалтираб.— Номусингни ерга кўмса ҳам қўл кўтаролмасанг. Бундай

шармандалиқдан кура бош олиб кетиш керак! Иложи борича тезроқ ва узоқроққа кетиш керак!..»

Толиққан миясига бу фикр тұsatдан келди. Елкасидаги тоғ қулагандай енгил тортади. Гүё узоқроққа күчіб кетса, баъзиларнинг маломатидан қутуладигандай, ўзи ҳақидаги фисқу фужурни әшитмаса басдек әди.

\* \* \*

Енгилгина шабада ҳовлига баҳор исини уфуради. Күгандаги әчкілар курт-курт кавш қайтаряпти. Бостирмадаги сигир оғир пишиллайди. Тиркаш атрофига синчиклаб назар ташлади. Айвон четида ётган Қорабой өринибгина ғингшиди. Деворнинг тагида янги сопланган болта күринди. Ўтган куни әговлаб, шу ерга ўзи қўйганди. Кетмонини бостирманинг шипига қистирганини ёслади.

Эшагини турғизиб, түқим босгач, ювиниб уйга кирди. Гүгурт чақиб иссиқроқ кийимларидан топди. Ҳар әхтимолга қарши белбоғига иккита нон ўраб, белига боғлади. Лайвондаги болта ҳамда кетмонни олиб, әшакни ҳовлидан чиқарди...

У Кийик сүқмоғига етгунча қуёш күтарилиб қолди. Норвон тоғлари билан Қорақушни боғлаб турған ва беш-олти чақиримга чўзилган бу сүқмоқни, әхтимол, дастлаб кийиклар очишгандир. Йил давомида унда одамлардан кура турли ёввойи ҳайвонларнинг күпроқ юриши аниқ. Тиркаш шу сабабдан ҳам қишлоқларни оралаб ўтадиган тўғри йўлдан чиқиб, Қоратошнинг орқа тарафидаги Ражаббулоқ орқали шу томон юрганди.

Даштда майин ва илиққина әсаётган шабада юқори-лашгани сари кучайиб, совиб борди. Терскайлардаги қорнинг салқиниданми, шабада заҳриданми, Тиркашнинг этлари жунжикди. Чакмонига дурустроқ ўраниб, Қорақушга ёндош охирги тепаликка етганида, сүқмоқ ҳам тугади.

Эшак устида қунишиб утирганча, Қўрғонжарга қаради: қишлоқ кун тиғида жимирлашиб, кўзига иссиқ кўринди. Нигоҳи беихтиёр юқорироқдаги Эсарқишлоқга тушгач, юzlари тундлашди. У томонга қарамасликка ўриниб, бирпас Қийқим даштларига тикилди. Шунча йиллик умри кечган қадрдан жойларни ташлаб кетаётганидан юраги туз сепгандай ачишди. Кечаги воқеалар-

дан лойқаланған онги уни узоқларга даъват қылса-да, күнглида сира ҳам тоғдан ошиб кетгиси келмасди...

Қорни очиққанини сезди. Булоқ ахтариб у ёқ-бу ёққа қаради. Қуриимагач, Қорақушсој томонга юрди. Катта Қорақушсој билан Кичик Қорақушсој туташган жойда күзини йүсинар қоплаган булоққа нигоҳи тушди. Эшагини үз ҳолига қўйиб юбориб, булоқнинг күзини ўт-ўланлардан тозалади. Тездаёқ йули очилиб, қарийб билак йўғонлигидаги сув шарқираб оқа бошлади. Белбогини сув ёқасидаги ясси тошга ёйиб қўйиб, бирпас кутди. Сув тинигач, аввал юз-қўлини ювди. Кейин нонни шаффоф сувга ботириб, иштача билан ея бошлади.

Ноннинг биттасини еб бўлди. Қорни унчалик тўймади. Шунга қарамай, иккинчисини белбогига ўраб, белига боғлаб олди. Эшаги Кичик Қорақушсојда ўтлаб юрарди. Болтаси билан кетмонини кўтариб пастга туша бошлади. Ҳар уч қадамда бир булоқ. Пастга тушган сари сой суви кўпайиб бораради. Турли-туман бута ва ёввойи дарахтлардан атрофга ёқимли бир ис таралади. Сўқмоқ ёқасида бодраб чиқаётган равочларнинг бужмайган қизғини япроқлари, сойнинг ҳар икки юзида чамандай очилиб ётган аллақандай майда гуллар бирам чиройли кўринади. Тиркаш каттароқ бир равоч баргини суғуриб, бандини чайнаб кўрди: ҳали тахир, тез кунда етилиб қолади.

Совуқ шабада сой ичига киролмай баланддан ўтиб кетади. Шунинг учун Тиркаш исиб кетди. Эшагига етгач, чакмонини икки буқлаб эгарга ташлади. Ҳайдаб, секин-аста пастга тушаверди. Маржонсој ёнида тўхтаб, атрофига разм солди.

Яқингина жойдан бошланишига қарамай, Маржонсојда бир тегирмонча сув кўпикланиб оқарди. Қўрғонжарнинг ёнидан айқириб ўтадиган Санглоқ шу ерлардан бошланади. Ёнида, шундоққина Кичик Қорақушнинг пойида бўйи етмиш-саксон, эши қирқ-эллик қадамча келадиган яланглик. Қачонлардир тоғдан юмалаб тушган қора харсанглар парча-парча бўлиб, сочилиб ётарди. Ҳафсалали одам бу ердан тузуккина жой қылса бўларкан, леб ўйлади Тиркаш: тошлар тайёр гишт, йирикроқларини мисранг билан четга суриб чиқилса, девор бўлиб қолади. Ёввойи ҳайвонлар ҳовлига киролмайди. Тош стмаган жойларнинг четини ковлаб, сертикои буталардан иҳота қылса ҳам бўлади.

Сой лабидаги харсанглардан бирига ўтирди. Белбогидаги иккинчи нонни олиб сувга ботираркан: «Инсон ҳам бамисоли оқин сув,— деб ўйлади.— Навбати билан оқиб ўтаверади. Урф-одатларимиз — сой қирғоқлари. Сув оқиб ўтаверади, қирғоқлар эса уни йўлга солиб, жойида мустаҳкам қолаверади...»

Қўлидаги ивиган нонни еб яримлатганида сал нафаси ором олиб, хотиржамроқ ўйлай бошлади: бу ердан Юқори Қийқимгача бўлса икки чақирим йўл бордир. Парда сўфиники ундан ҳам яқин. Шунга қарамай, мол-ҳолини излаб келиб қолмаса, бу томонларга атайлаб келувчилар бўлмайди. Биттагина ёлғизоёқ сўқмоқдан ташқари ҳаммаёқ бутазор, чакалак. Элдан, ўзи ўрганган одамлардан қочиб қаерга ҳам борарди. Бўридек ит топмас кунжакда ин қурсинми? Бу унга маъқул бўлгани билан бола-чақаси бор, невара ўстиряпти. Улар одамга ўрганишган. Овлоқда яшашолмайди. Аввалгидай бўлмаса ҳам, элга аралашиб турган маъқул-ов. Ҳеч бўлмаса вақт-бевақт Парда сўфи билан дардлашиб туради. Эртани ҳам ўйлаши керак, ёш бир жойга борган. Ўлса ким кўмади?! Улигингни тепкилаб кўмувчи топилмаганидан алҳазар!..

Белбоғида қолган майда ушоқларни сой сувига силкиб ташлади. Ҳовучини тўлдириб-тўлдириб муздай сувдан ичди-да, ўрнидан турди. Узоққа кетиб қолмасин учун эшагига тушов солиб, ялангликни айланиб кўра бошлади. Уй билан молхона тушадиган жойни чамалади. Тош кучиши хавфи бор-йўқлигини аниқлаш мақсадида Кичик Қорақушга чиқди. Бир қадар кўнгли хотиржам бўлгач, уй қуриладиган жойга майда тошларни уя бошлади.

Кечгача терлаб-тепчиб тинимсиз ишлади. Қийқимдан узоқлаб кетмаганидан кўнглида чуқур бир қониқиши пайдо бўлган эса-да, буни очиқ тан олгиси келмасди: ёмон айтмай яхши йўқ. Ўзи ёки болаларидан бирор тасининг касал бўлиши бор, қазои муаллақ бор — шу туфайли қолаётир бу жойларда. Бўлмаса овлоқда бури сримиди.

Тиркаш обдан қоронғи тушганга қадар ишлади. Кейин, Парда сўфиникига йўл олди...

Парда сўфи, гурунг асносида, Тиркашнинг нимадан-

дир хафалигини пайқаб, бот-бот синчков разм сола бошлади.

— Бетимда ой курдингми, бунча тикиласан? — деб түнгиллади Тиркаш.

— Нашъянг анча пастми, чирақай, тундсан?

Тобим келишмайроқ турипти. Ётсам...

— Ёт, чирақай, ёт. Кампир түшак солиб беради.

Икки қария ёнма-ён ётишди. Кеча деярли ухламагани ва бугун қаттиқ ишлаганига қарамай, Тиркаш анчагача күз юмолмади. Кундуз иш баҳона бир оз унтилган дардлари тун сукунатида қайтадан хуруж қила бошлади. Үзини құлға олиб ҳаммасидан әтак силкимоқчи бұларди-ю лекин...

Парда сұфи:

— Қаеринг оғрияпти үзи? — деди соддадиллик билан.

— Юрагим!

— Арслонқулоқ қайнатиб берайми? Қайнатмани тоза боплаб тайёрлайман-да.

— Ажалдан бошқа давоси йүғ-ов бу дарднинг.

— Сұзингни ел олсин-ә, чирақай!..

Құрғонжардаги гаплар ҳали Парда сұфининг қулоғига стиб келмаганligини Тиркаш пайқади. Ё... әшитган бұлса ҳам, әшитмаганга оляптимикан? Үндайга үшшамайди. У әшитганларини яшириб, муғамбирлик қиладиганлар хилиданмас.

— Құрғонжар томонлардан ҳеч гап әшитдингми? — деди Тиркаш үсмоқчилаб.


— Әшитдим...

Бирдан Тиркашнинг вужудидан ут чиқиб кетаёэди.

— Ўтган тунда наврұз бўпти... Болалар беш-түртта бўлиб бориб, кеча чошгоҳда келса бўладими, чирақай. Ишданам қолишибди. Тоза койидим... Ёш-да, дунёning қандай айланаетгани билан ишлари йўқ. Сен-чи? Нима, бугун уйдан чиқмаганимидин?

Ҳар кимнинг ўз дарди бор... Сұфи тушмагур нималарни валдираяпти-ю, Тиркаш нимадан хавфсираб юринти!

Парда сұфининг устидан кулмаслигига, бирорларга гуллаб юрмаслигига ишонгани боис воқеани қисқа қилиб үзи айтиб берди. Кейин, нима деркин, деган бир хавотирли андишада зимиштон қоронғуликда Парда сұфи томонга қулоқ тутиб ётди.



Сүфи оғир уига толык болып Яқин-яқынларда дүйнөсінің дол құндириб, гарияттың облысынан да жағи-  
ғи ҳолига ачинди: жуда қовжираб, сұйықтың Нимадир  
деб тасалли бергиси келди, әкін нима дейишини  
білмасди

— Нега индамайсан? — деди Тиркаш, ахийри тоқат-сизләнис.

— Нима десам экан?..

— Бу күнингдан баттар бул де, ул де!

— Йу-үк, чирақай... Яхши иш бұлмапти... Текис  
йұлда юрганминан түрт оёқли от ҳам мункайди-да..  
Сабрли бұл. Сабр билан бани одам ҳур бұлур, садафда  
қамалиб қатра дүр бұлур...

— Чидаб бұлмаяпти-да, — деди Тиркаш.

— Энди нима қилмоқчисан?

— Маржонсойнинг устидаги ялангликни тозалаяпман. Уй қурмоқчиман.

— Күчіб келсанг бошқа жой қуриптими, чирақай Мана, менинг ёнимга кел.

— Четроқда яшамоқчиман.

Тиркаш бир нарсага қасд қылса, бу йүлдан қайтариш  
қийинлигини Парда сүфи биларди.

— Мақсадинг шу бұлса, аввал уй қур-да, сұнг күчиң кел. Қурувли уchoқ, осувли қозон бұлмаса үзингният, бола-чақаңғиат қийнаң құясан, чирақай. Ҳали савр билан жавзо ёмғирлари бор, упнутма буни.

— Аввал күчиб келаман, сунг уй қураман. Отамдан қолган бир қора уй<sup>1</sup> бор. Чангароғу керагалари бус-бутун. Вақтингча шуни тикиб тураман.

— Үзинг биласан, чирақай. Менди ёғоч күп. Сойда бескоргаям чириб кетади. Керагича ол. Бозор кунлари болаларният стаклаб бораман, ҳашарлашиб уёгини бир бало қиласмиз. Энди ухла, чирақай.

Шу билан гап-суз тугади.

Парда сүфининг гапи Тиркашни қувонтириди. Тусин топиш масаласи ўйлантириб турғанди. Уни Қўргонжардан эшакда ташиб келиш амримаҳол. Аравани раисдан сураб олиш керак. Бу ишни у икки дунёда ҳам қиласади. Сўраганида колхоздан кўчиб кетаётган одамга раиснинг арава бериши гумон. Йўқ деса, оғзининг елига арзимайди...

<sup>1</sup> Корячий — утюв демокчи.

Эрталабки чойдан кейин Тиркаш яна тош теришга кетди. Парда сұфи тушлик күтариб борганида, у анчамунча иш қилиб қўйганди.

— Ол-а! — деди Парда сұфи ёқасини ушлаб. — Ҳали-ям бир йигитничица қувватинг боракан-а, чирақай! Тиркашнинг ҳазиллашиси келди:

— Оёғингнинг остига қара, тезак босиб турибсан. Парда сұфи ялт этиб оёғининг тагига қаради.

— Қани, чирақай, алдама ундей...

— Кўзинг тегмасин дедим, анди.

Иккаласи яйраб кулишди. Тиркашнинг кулганидан Парда сўғининг оғзи қулоғида эди. Гурунглашиб ўтириб тушлик қилишди.

Тушдан кейин Парда сұфи уйига кетмади. Қизиқ-қизиқ ҳангамалардан айтиб, Тиркашга ёрдамлашиб юрди. Кечқурун ўзининг ҳам әшагини бериб, уни Қўрғонжарга жўнатди.

## 6

Ўша тонгда боласи йиғлаб, Хинагул эрта уйғонди. Уни тебратиб қайта ухлатгач, ташқарига чиқди. Тонг қоронғисида қайнотасининг әшак ҳайдаб, куча эшикдан чиқиб кетаётганини кўрди. Қўлида нима борлигини илғаёлмади. Эрини уйғотмоқчи бўлди-ю, йўқ нарсага ваҳима кўтармай, деган андишада фикридан қайтди. Кириб қайнонасидан хабар олди. Кейин ҳовли супуриш, сигир соғиш, ўт ёқиб сут пишириш каби ўзининг одатдаги ишлари билан банд бўлиб кетди.

Анчадан сўнг Марварид ҳам ташқарига чиқди. Келинининг ҳовлида гирдикапалак бўлиб юрганини кўриб севинди. Имлаб ёнига чақирди.

— Мамажонни уйғотиб чиқ, чироғим, отасидан хабар олсин,— деди секингина.

— Отам йўқ, бир ёқса чиқиб кетди,— деди у.

Марвариднинг авзои ўзгарди.

— Тонг қоронғисида қаёқса кетдийкин? Мамажонни чақир-чи. Бу тентак чол бир балони бошлаб қўймасин яна...

Мамаражаб келганида она Бебитни уйғотган, чолишининг хонаси дарчаларини очган, энди кўрпа-тўшакларни йиғмпекда эди.

Бебит икқаласи онасига тасалли берган бўлишди. Понуышдау кеини ака-ука ишга жўнашди.

Марварид кун бўйи жонини ҳовучлаб ўтири. Тиркашнинг даштга кетганига ишонмасди. Айниқса, болта билан кетмоннинг йўқлигини билгач, безовталашиб қолди: даштга борадиган одамга уларнинг нима кераги бор?!

Бебошвоқ хаёллари ҳар томонга олиб қочарди. Гүё Тиркаш Гулсара билан Маматни болта билан чопиб, кетмон билан киши билмас кўмиб келадигандай туюларди. Болалари ишдан қайтганида ўзини қўярга жой тополмай ўтирган эди. Мамаражаб ҳам отасининг ҳануз қайтмаганидан хавотирга тушди. Вақтни ўтказмай, Эсарқишлоқча йўл олди. Тиркашнинг Исматникига келмаганини эшитиб ҳам қувонди, ҳам ҳайрон бўлди: қаёққа кетиши мумкин?! Ҳар эҳтимолга қарши унга тайинлади:

— Биласиз-ку, отамнинг жаҳли тезроқ... — деди тутилиб-тутилиб. — Эрталаб бир қулида болта, бир қўлида кетмон... ҳовлидан чиқиб кетган экан. Ҳалигача дараги йўқ. Сизникига келмаган бўлса, энди келмас... Маматларга айтиб қўйсангиз, бир-икки кун эҳтиётроқ бўлиб юришса...

Мамаражаб кўнглидагини айтольмади. Аслида синглисининг қаердалигини сўрамоқчи эди. Сўраёлмади.

Исмат унинг дилидагини пайқади. Бор гапни яширмай айтиб қўяқолди:

— Кўп хунук иш бўлди, ука... Сизларни ташвишга согланимиздан жуда хижолатдамиз. Улар шу ерда, ука. Қорақудуқдаги тоғасиникида экан, ҳозиргина олиб келдим. Синдор раис билан Ҳожигаям одам юбордим. Утиранг бўлармиди...

Мамаражаб Қўрғонжардан одам чақиришганидан, буғуноқ никоҳ ўқитмоқчи эканликларини пайқади. Никоҳ ўқитиладиган куни қизнинг уруғидан куёвникига келиш одатдан әмас. На чора, илож йўқ жойда илон ҳам типратиконнинг инига бош тиқади. Кимдир Гулсарага ота ўрнида оқ фотиҳа бериши керак. Бу ишни отасининг вакили сифатида Ҳожи ёки Синдор раис қиласа ҳам бўларди.

Мамаражаб изига қайтди. Уйга келгач, Бебитни бир иш билан ташқарига чиқариб юбориб, билиб келгандарини онасига айтиб берди. Уни бир қадар юпантириди-ю, ўзи эса эртасига ҳам нотинчланиб юрди. Бригалирдан сўраб, ишдан эртароқ қайтди. Отасининг ҳануз

қайтмаганидан яна баттар юрагига ғулғула түшди. Боз устига эса онаси зорлана бошлади:

— Чирогим! — деди иккаласи холи қолишганда. — Үрмак түқиган уйда үлар, адорғи йүнганды тұзда үлар... Отанғта бир гап бўлмаса, бунчалик бедарак кетмасди. Худо кўрсатмасин, номус кучи билан үзини-үзи... Излай кўр уни, тонг аzonдан изла! Қиз туғмай мен үлайнин, бу ишни қилмай у...

Ҳар қанча тўлиб турса-да, қизини қарғашга тили бормади. У чолининг бедарак кетганидан нолиётганди, холос. Бироқ, уни қидириб ўтиришга ҳожат қолмади: бир эшакни миниб, иккинчисини стаклаб, ҳовлига үзи кириб келди.

\* \* \*

Тиркашни соғ-саломат кўриб, Марварид қаттиқ қувонди. Одатда, топилишидан умид узган бебаҳо нарсасини топиб олганида шундай севинади киши.

Чоли эса лом-мим демай ўтиради. Гүё орадан ҳеч гап ўтмаган, шунчаки ишга бориб қайтгандай осойишта әди. Қорни очиқкан шекилли:

— Ейишга ҳеч нарсаларинг борми? — деди.

— Тур, Бебитжон, чечангга айт, овқатини қўйсин, — деди Марварид.

Бебит чиқиб кетди. Тиркаш индамай ўтиргани учун на Марварид ва на Мамаражаб гап сўрай олди. Кайфияти ёмон эмасдек. Лекин, ичида нима борлигини билиб бўлмасди. Аслида қотма жуссаси яна ҳам хипча тортганидан, юзлари чўяндан қуийилганга үхшаб кетарди. Қўзлари чўкиб, йилтиллаб қолган. Эти қочган бурни сўррайиб туради. Бора-бора унинг миқ әтмай ўтириши момақалдироқ олдидан бўладиган сукутдай, ўтирганларнинг диққатини ошира бошлади.

Бебит бирма-бир ташиб киритган шўрвани тўртталаси жимгина ўтириб ичишли. Хинагул қайнатаси ўтирган хонага шу пайтгача босиб киролмасди. Бир үзи иккинчи хонада ухлаётган боласи ёнида овқатланди. Авваллари Гулсара ёки қайнонаси у билан бирга овқатланишарди...

Тиркаш косасини ҳаммадан олдин бўшатиб, четроқса сурисиб қўйди. Бонқаларнинг овқатланиб бўлишини кутиб, чой ича бошлади. Дастурхон йигиб олингач:

— Келин иккалант күрпаларингди түрт той қилиб туг,— деди Марваридга.— Сизларга Мамаражаб ёрдам беради. Бебит Ҳожининг эшагини келтирсин. Унга қора уйнииг қақир-қуқурларини ортамиз. Қолган нарсаларни кейин бирма-бир ташийверамиз.

Тиркашнинг күчиш учун жой излаб кетгани маълум бўлди. Лекин қаердан топғанлиги номаълум. Бу савол ҳаммани қизиқтиради-ю, ботиниб бирор сўраёлмайди. Мамаражабга эса күчиш фикри ёқмади. Тиркаш ўғлига совуқ тикилиб:

- Ҳа, чакка томирларинг тортишиб қолди,— деди.
- Иссиқ жойимизни совитиб нима қилардик...
- Сенда номус-ор борми?!

— Кўчмасанг уйингга бор-у, кўзимга кўринмай ўтири!

Мамаражаб индамай ўрнидан турди ва бир сўз демай хонадан чиқиб кетди. Тиркашнинг кўзлари ёниб, юзига қоп тепди. Катта ўғли бундай қилишини ўйламаган эди.

— Ҳожи бованинг эшагини олиб келайми?— деб журъатсизлик билан сўради Бебит.

— Энди керак эмас!!

Мудҳиш бир нарсани сезганиданми, Марварид ганиб-гарангсиб ўтиради. Тиркашга-ку, бирор гап айтольмасди, Мамаражабни қайтаришга ҳам гап тополмади. Чолининг газабли қичқириғидан ўзига келди.

— Бунча тош қотдинг, нима дегандим сенга!

Марварид чаққон ўрнидан турди ва келини ўтирган хонага кириб кетди.

Тиркаш ҳамма нарсани бирпасдаёқ ўртага уйди. Эски-янгисига қарамай қўлига илинган буюмни каттароқ бир наматга ўраб-чирмаб тугди. Қолганларини дуч келган томонга тепиб-тепиб юбориб, оғзини очиб турган Бебитга ўшқирди:

— Даҳлиздаги қора уйни чиқар!

У ўтов анжомларини йиғишириб бўлгунига қадар, Тиркаш бир эшакка лойиқ юкни ҳовлидан ташқарига чиқариб, teng қилиб боғлади. Кейин ўтов кигизлари ва ёғочларини боғлаб, иккинчи тенгни тайёрлади. Узининг эшагига биринчи тенгни юклаб, устига кўриша-кўрпачалардан қалин қилиб тушади ва Марваридни миндирди. Ўтов анжомлари билан қозон-товоқча ўқшаган қақир-қуқурларни Парда сўфининг эшагига юклашгач:

— Қоратошнинг йўлидан юрманглар, Санглоқдан

үтиш қийин,— деди Бебитга.— Оришлиниңг йүли билан Парда сұпиникига боравер. Молларни ҳайдаб, менам ортингдан етаман.

Камбағалман десанг күчиб күр. Икки әшакда Тиркаш нинг үзига тегишли юкларнинг үндан бири ҳам кетмади. Бироқ, у буни үйламасди. Хаёли құзига ёмон қуриниб қолган шу лаънати ҳовлидан, шу қишлоқдан тезрок нари кетиб олишда. Латта-путталар одамга битмайдын парсами! Бойлик — құлнинг кири.

Тиркаш молларни ҳайдаб чиқишига кетгач, бу күчиңгүё үзининг айби билан бұлаётгандек, Марварид мұлтираб келинига қаради. Узоқ бир юртга кетаётгандай әнди қайтиб уларни қуриши маҳолдай юраги әзилиб хайрлашды.

— Омон бұлинглар, болам, яхши кунларда дийдор күришайлык,— деди синиқ оҳангда.

У күзидан сизиб чиққан ёшни чорси рұмолининг учига артди. Қайноасининг бир ҳолатда жұнаб кетаётгани Хинағулнинг күнглини бузиб юборди. Күзларидан ёш чиқиб кетди. Марварид қоронғида буни күрмәётганды бұлса-да, әнтикишидан унинг ҳам йиғлаётгандын пайқаб, юпата бошлади:

— Йиғлама, болам, худо хоҳласа, ҳаммаси яхши бұлиб кетади. Бу кунлар ҳам үтар!— сұнг астагина шивирлади:— Мамажонга айт, әртага тоққа борсин...

Оғзи құкқа тегиб күч әниб қолган әшаклар йүргалаб йүлга тушди.

\* \* \*

«Ғазаб — умри қисқа ақлсизликдир», деган әкан бир донишманд. Азбаройи жаҳли чиққанидан Тиркаш ақлини йүқотаёзған әди. Күчни жұнатгач, ҳовлиға қайтиб әчкіларини құғандан бұшатди. Құғанни йиғиб, курмак қилиб боғлади. Сигир-бузоқларни ечмоқчи бұлаётганды, әшиги ёнида турған Мамаражабнинг қорасини күрди. Бұғилиб чақирди:

— Бери кел, ҳей!!

Мамаражаб шошилмай борди. Айб иш қилиб қуйған боладай, отасининг рұпарасида елқасини қисиб тұхтади. Унинг туриши Тиркашнинг зардасини баттар қайнатиб юборди. Вужуди қалтираб:

— Сенда номус-ор борми?!— деди яна.

- Нима бўпти, шунчалик... — Мамаражаб вазмин эди.
- Нима бўлганини билмайсанми?! Энди бу қишлоқда бош кўтариб қандай юрмоқчисан?! Гапир!
- Гапир!!
- Бунчалик элдан чиқадиган айбимиз йўқ эди-ку, ишга қизишаисиз, ота? Нима бўпти...
- Нима бўпти, нима бўпти... Ўл бўлди, эшак! Бетинга куя суркаб кетди-ку, анови оқпадар! Бу камми сенга?!
- Унинг кўнглига ҳам қаравшимиз керак эди-да!..
- Шунақами?! — Тиркашнинг тишлари ғижирлаб кетди. — Мен унинг кўнглига қаравшим керак эдими? Сиз ҳамма нарсани биласиз. Кеча синглингизнинг кўнглига қараб қирқнинг бир сапчабошига қўшиб юбордилгиз. Эртага хотинингиз, бириси куни әнангизнинг ҳам кўнглига қараб қоласиз! Шарманда!!
- Тиркашнинг «сиз»лаганидан қўрқулик эди. Лекин Мамаражаб титраб:

— Оғзингизга қараб гапиринг, ота! — деб юборганини билмай қолди.

Охирги томчи тошни тешади. Тиркашнинг сабр косаси тўлиб кетди. Қулидаги курмакланган кўганни бор кучи билан айлантириб, Мамаражабнинг боши аралаш елкасига тортиб-тортиб юборди. Қаршилик кўрмагач, пафасини ростлаб қайтадан урмоқчи эди, у кўганнинг бир учидан ушлаб тортиб юборди. Аччиқ устида иппи қаттиқроқ тортиптими, Тиркаш бирдан қулаб тушиди.

— Сени ҳам оқ қилдим, оқпадар!!! — Аламига чидолмай ётган жойида наъра тортиди у. — Умрингдан ялчимагин!! Үлигинг беэга қолсин!!

Қайнонаси ва Бебитнинг ортидан хомуш қараб туриб, ўлди шу пайтда ҳовлига кирган Хинагул қайнотасининг ер бағирлаб қарғанаётганидан ҳайкалдай қотиб қолди. Ота ўғил билан жанжаллашганини сезгач, ёнларига чопиб борди. Мамаражаб уриб қулатган деган фикр ғўнглидан кечди шекилли, қўлтиғидан суюб, Тиркашнинг туришига ёрдам берди. Тортинишни ҳам унутиб, унинг тонасида ғалати тарзда ғўдайиб турган эрини койиб берди:

— Нима қилиб қўйдингиз?! Киринг уйга! Хинагул қайнотаси ва эри олдида биринчи марта овозини кўтариб гапириши эди. Мамаражаб бир сўз

демай кетди. Тиркаш ҳам айтадиганини айтиб бұлды шекилли, қайта оғиз очмади. Сигир-бузоқларини бир-бирига матаб бұлгунига қадар, Хинағул ҳовлиға ёйилиб кетған әчки-улоқларни йигиб келди. Күчага ҳайдаб чиқишигач, журъатсизлик билан:

— Хайр, ота! — деди бұшашиб. — Үғлингизни кечи ринг... қарғаманг!..

Тиркаш индамади. Бурилиб келинің қарамади. Дунё упинг күзларига жуда тор күриниб кетаётған әди.

## 7

Мамаражабға қолганида отасига жаҳл қилиб, үн-үн беш күн Юқори Қийқимға чиқмай юрмоқчи әди. Хинағул қүймади. Туни билан «әговлаб» чиқди. Аввалиға үжарлық қилди, аммо хотинининг гаплари үринли туюлди. Үйлаб қараса, үзидан ҳам үтган әкан, ипни илкис тортиб яхши қылмапти. Кекса одам, балки ёмон йиқилгандир. Тұргизиб қүйиш үрнига, хода ютгандай тепасида ғұдайиб турди-я! Нима дегандай ота-да у. Беихтиер йиқитди нимаю уриб йиқитди нима! Құған билан бир-икки урганида бирор жойи камайиб қолмовди. Е кетиб бұлгунига қадар уйдан чиқмай тұрса бұларди. Аксинча мени күрдингми, дегандай ҳовлида турди. Йиқитгани ёнаётған ёққа сув қыйди.

Отасига бирон-бир құпоплук қилиш хаёлида йүқ әди. Жони оғриганиданми ипни тортиб юборганини билмай қолди. Иш бир чаппа кетса шунақа булади үзи: ножұя ишлардан үзингни олиб қочмоқчи бұласан-у олиб қочолмайсан. Отаси анча вактларғача терс қараб юрадиган бұлди әнди...

У қиҷитқи үт устида ётгандай туни билан бесхаловат ухлади. Эрта тонгда қайнотасининг әшагини келтириб қолған юклардан иккі той боғлаб ортди. Устига қақыр құқурлардан ташлаб, ғизиллатиб ҳайдаганча тоққа жүнади.

Үйда билинмаган әкан, Парда сүфиникига яқынлаш гани сари юраги пүкіллай бошлади. Отасига рүпара келишдан безилларди у. Хайриятки, Тиркаш йүқ әкан Бебит иккаласи эрта туриб Маржонсойға кетишипти. Бундан Мамаражаб севинди. Жаҳлі чиқса, отаси худо-нијам тапимай қолади. Уй бирорвники деб үтирумай, обрү-

сии тўкиб юбориши мумкин эди... Ортидан Маржон сойга боради. Нима бўлса, одамлар кўзидаи йироқда бўлгани маъқул. Сўкадими, урадими — ҳаммасига чидайди. Ярашишса бўлгани.

Парда сўфи: «Эрталабки насибадан подшо ҳам бош тортмайди», деб уни қўярда-қўймай уйга олиб кирди. Дастурхон ёзиб, чой-пой қилди. Мамаражаб номигагина нон тишлади. Томоғидан сув ҳам ўтмасди шу тобда.

— Кетасанми? — деди Марварид унга синчков тикилиб.

— Отамга бораман.

— Бормай турганинг маъқулмиди...

— Нега? — Ажабланган Парда сўфи гапни бўлди. — Отасини кўриб кетгани тузук-да, чирақай. Шу ердан қайтиб кетса, Тиркаш әшитиб хафа бўлади. Борсин, чирақай.

Марварид ноилож кечаги воқеаларнинг ўзи кўрган қисмини айтиб берди. Кейинги «от ўйин»дан бехабар эди у.

— Э-э, шуниям гапириб ўтирибсанми? — Парда сўфи қўл силтади. — Кўчиб келмаса келмапти-да, қайтага Қўрғонжардаги уй-жойларинг эгали бўлиб туради. Бир қуниши икки бўлганига қувонсин у тентак! Бошқа гапларни қўй, чирақай!

Гапничуватмаслик учун Мамаражаб ўридан турди. Чой-пой қилиб бераман деган баҳонада Марварид унга әргашди. Икки чеккасида ҳар хил буталар ғовлаб ўсиб ётган ёлғизоёқ йўлдан кетаётганларида, Мамаражаб онасига кейинги воқеаларни ҳам ётири билан айтиб берди.

У ҳар қанча силлиқлаб гапирмасин, Тиркашнинг «оқ қилдим» деганини әшитганида, Марвариднинг ҳуши учди: Гулсаранинг шунча ташвиш орттириб бергани камлик қилувдими? Энди Мамаражабнинг қилмишига куйиши бормиди! Ота соқоли оғзига битганида ҳам ақл тиши чиқмапти бу тентакнинг.

— Ташқарига чиқиб нима қилардинг, болам, отанг кетиб бўлгунича сабр қилиб, уйингда ўтира қолсанг бўлмасдими! — деди она юраги әзилиб. — Ўлганнинг ўстига чиқиб тепган қилибсан-да. Энди унинг қўзига кўриниб нима қиласан? Қайт орқага!

— Темирни қизигида бое деганлар, энажон, ҳозир бормасам бўлмайди. Нима бўлсаям олдидан бир ўтиб қўйишим керак. Аччиқ гапларини айтиб олса, янаги келишимга ҳовридан тушиб қолармиди...

Бу гап Марваридга жүялидай туюлди. Ҳар иккаласи әңг оғир зарбаларга тайёрланиб бориши-ю, үйлаганларидек бўлиб чиқмади: Тиркаш Мамаражабга ақалли қайрилиб қарамади. Саломига хушламайгина Бебит жавоб берди. Кейинги гаплардан хабари бўлмаса-да, акасининг қўчиб келмаганидан у ҳам норози эди.

Мамаражаб уларга ёрдамлашмоқ учун ўзича ишга тушмоқчи бўлаётганидагина Тиркаш тилга кирди:

— Сенга бу ерда қиласиган иш йўқ! — деди қўзлари ёниб. — Қай йўл билан келган бўлсанг, ўша йўл билан жўна!

— Кечиринг, отажон!..  
— Йўқол!!

Оилада баъзан Тиркашга гап қайтара оладиган, у билан эркин мунозара қила оладиган одам фақат Мамаражаб эди. Тўнғичининг айрим бетгачопарликларини Тиркаш кутарарди. Баъзан феъллари ўзиникига үхшаб кетишидан дилида пинҳона қувонарди ҳам. Лекин ҳозир уни кўришга кўзию отишга ўқи йўқ эди. Буни Мамаражаб ҳам пайқади. Ноилож изига қайтди.

Унинг бошини ҳам қилиб кетаётганига Бебитнинг ичи ачиdi. Аммо, худо қарғаганни пайғамбар ҳассаси билан туртади. Юзини ўғириб, тошини тераверди. Отасига қўйинг дейишга ботинолмади!

Марвариднинг юраги увшуди. У ҳам оғиз очолмади. Ўзича Тиркашни оқларди ҳам. Оқламай-чи! Чакана юзиқоралик бўлдими?! Тағин ҳам бу чол фил экан — үлиб қолмади. Бир мартагина маст туядай оламни танг қўйди-ю, тинчиди-қўйди. Ҳар кимда худо берган феъл бўлади-да! Бақироқ туйнинг бори яхши, бақиргани яна яхши. Мамаражаб ҳали бола, болалик қилган!

\* \* \*

Юқори Қийқимнинг ёшу қариси йифилиб, ҳашар билан Тиркашнинг икки хона бир даҳлизли уйини тездаёқ тиклашиб, устини ёпиб қўйишиди. Тош бебилиска, бута-ёғоч сероб, тупроқ етарли — кўпчиликка иш туруш берармиди. Иккинчи ҳафтасига кенг-мўлгина оғил билан ҳовли деворининг асосий қисмини кутариб кетишиди. Қолганини Бебит иккаласи шошилмай битираверишиди. Фақат ёғингарчиликлар бошланганида ёвпойи чўтқалар бир оз бесаранжом қилди. Илгари ўзлари

«шохмола» қилиб юрадиган қуриқда уй пайдо булиб қолганига қарамай, ҳар тонгда тудалашиб ҳовлига келаверишиди. Аввалига ҳуркса даф бұлар деган умидда ота-бала чеслагу лаганларни данғиллатиб ҳайдаб күришиди. Бұлмагач, Тиркаш Бебитни Құрғонжарга юбориб, Қорабойни олдириб келди ва ҳовлиниң қолган қисмiga ҳам одам баравар тош қалаб чиқиб қутулади...

Ҳовли деворларини баландроқ күтариб суваш, қиша бури-қашқир ошиб үтавермасин учун устига тиконли буталардан қадаб чиқиши; пичан, үтін дегандай ташвишлар билан ёз үтиб кетди. Бу орада Мамаражаб бир-икки келиб кетди-ю, отаси рүйхүш бермагач, қайтиб қадам босмай қўйди. Уларни яраштириш мақсадида бир марта юзқўрмас бўлиб кетганига қарамай, Қўрғонжарниң кексаларини эргаштириб Ҳожи келди. Барি бир бўлмади. Хинагулниң «ўқиши» зўр бўлган эканми, бу гал Ҳожи ӯзини анча сипо тутди. Бир-икки марта тили қичишиб, Тиркашни боплаб сўкмоқчи ҳам бўлди-ю, ӯзини босди: юмган оғзини очолмай, дами ичидай кетди.

Исмат томонидан юборилган воситачилар Тиркашниң жонини ҳалқумига келтирди. Уларни аввалгидан баттарроқ изза қилиб жўнатди. Шу билан бу уйдан одамларниң оёғи узилди. Бирор келмасди, у ҳам ҳеч қаёққа бормасди. Кун бўйи тоғда молларини боқиб қайтарди-да, ётиб ухларди. Эртасига яна одатдаги тириклик. Баъзи-баъзидагина кўнгли одам тусаб, Парда сўфиникига борарди. Тиркашникига ҳам фақат Парда сўфи келарди.

Марвариднинг назарида чолининг бу қилиғи нонкўрлик эди. Ёш-қариси қолмай йиғилишиб келиб, оғирини сингил қилиб кетган қариндошларига билдирган миннатдорчилигими бу! Тўйига бормаса, маъракасига бормаса. Одамники — бормоқ-келмоқ. Шу бўлмаса туғишганинг туфлаб кетади бетингга. Хайриятки, Бебит иккаласи элга аралашиб туришади. Уни сўраганларидан, турли важлар айтишади. «Чол бўлганида Тиркаш тентакни уй чўрисига айлантирибсанми, балосан», деб кулишади тенгдошлари. Аммо, унинг нега одамларга аралашмай қўйгани ҳеч кимга сир эмас.

Тиркаш уй қурилишига ҳеч кимни чақириб келмаганди. Одамларни ҳашарга айтиш нияти умуман бўлмаган. Шунга қарамай қавму қардошлари валломатлик қилишиди, ёрдамини аяшмади. Бир йилда чала битадиган

иши бир ҳафтада битди-қўйди. Бунинг учун Тиркаш улардан миннатдор эди. Аммо, бети куйиб ўтирганидан тўй-маъракаларида қатнашолмасди. Ортидан кимдир қўлини бигиз қилиб тиржайшини истамасди. Назарида, кимдир, албатта, шундай қиладигандек эди. Қолаверса, яккамохов бўлиб юриш узига ҳам осон бўлмаётганди. Ҳалиям бўлса Бебит бор: элдаги янгиликларни топиб келиб туради. Бу пайтда у Еттисойдаги маъдан конида ишларди.

Тиркаш жуда әрта уйғонди. Юзини дарча томонга ўғириб, ложувард осмонга тикилди. Қорақушнинг тепасидан бошланган хаёлий кенгликда сон-саноқсиз юлдузлар милтиллашар — заифгина, кўкиш шуъла таратиб кўз қисишарди. Ана, улардан бири парчинланган жойидан чирт узилди! Ортидан узун, ёрқин из қолдириб, Қорақушнинг сарчўққиси томон учди. Тиркашнинг эти жимирлашди: «Ҳар бир юлдузнинг учгани — бир одамнинг куни битгани», деган гапни эслади.

Юлдуз шиддат билан учса-да, сарчўққига етмай сўнди. Тиркаш унинг ерпарчин бўлмаганидан қувонди. Ҳар қалай, одамийликни қадрлайдиган, ҳиммати баланд кишининг юлдузи экан. Ерга тушиб, тубан бир махлук сифатида иккинчи ҳаётини бошлашдан мардона возкечди!

Сўнмасдан ергача тушган юлдуз ё қирқоёқ, ё чаёнга айланишини бола кезларида отасидан әшитганди: «Жирканч зааркунандага айланишни одамийлик шаънига иснод деб билган мард кишиларнинг юлдузигина кўкда сўнади», — деганди у. Бу эртакни, эҳтимол, шунчаки ўғлини овутиш учун тўқигандир. Аммо Тиркаш уни ҳали-ҳануз унутмайди. Юлдуз учганини кўрса, беихтиёр эти жимирлашади. Ҳар гал ёқасига туфлаб: «Ерпарчин бўлмасайди!» — деб туради.

Баъзи-баъзида тоғ чўққилари ортига утиб кетгани бўлмаса, юлдузларнинг ергача учиб тушганини у сира кўрмаган, лекин дунёда чаёнсифат кишилар ҳам борлигини пайқаганида, отаси бу эртакни бежиз айтмаганини тушунди. Одам ва одамийлик ҳақида узоқ ҳаёлга толган пайтларида: «Ерпарчин бўлган юлдузлар ростдан ҳам чаёнсифат одамга айланиб қолишмасмиш!» — деб ўйлаган...

Тиркаш хаёллар оғушида әди, құкиш шуъла соңаёттеган юлдузлар бириң-кетин сұнаётганини пайқамай қолди. Осмоннинг дарчадан күринаёттан бұлаги хира тортди. Үнда аввал қызғаш, бир оздан сұнг оқиши, кейин сарғыш шуълалар үйнай бошлади. Марварид ҳам үйғониб, тұшагини йиғишиңга тутиңди.

— Дарча томонға қараб үтирасизми? — деди у.

Тиркаш бош чайқади. Аъзои бадани сирқираб, қулоқлари ғувуллай бошлаган әди. Касалликданми, үйқусизлик асоратими бу — билмасди.

Кунчиқар маҳал Бебит келди. Одатдагидай отасидан ҳол-аҳвол сұрагач овқатланды. Колхознинг олдинги бухгалтери урушта кетгани сабабли яқындагина Синдор раис уни бу лавозимга олиб келганди.

Үзиям кон бошлиғига қатнайвериб, Еттисойнинг йүлини «чұқур» қилиб юборди. Ҳар қалай, уни «әритиши» йүлини топди.

Бебит шошиларди. У кечаю кундуз идорада қолиб, құшни колхознинг бухгалтери ёрдамида Қийқимнинг чалқашиб кетган ҳисоб-китобларини түғриларди. Үйга ҳар куни атиги бир марта, отасини күриб кетиш учунгина киради.

У туриб кетмоқчи бұлаётганида Тиркаш тұхтатди:

— Бирпас үтири... Даңада ишлар қалай? Қийналмаяпсиларми ишқилиб?

— Одам етишмайди, — деди Бебит отаси күрсаттан жойға тиз чүкиб. — Болалару хотин-қызылар тариқ билан зигирини ұташыпты. Эркакларнинг бир қисми қўриқданичан үришяпты, бир қисми бошқа ишларда.

— Даңда беріб туриш керак уларга... Уруш бутунлай тугадими әнди?

— Тугади ҳисоб.

Тиркаш буни үзини күргани келиб-кетиб турғанларнинг гурунгларидан билиб олған, лекин Бебитни бошқа мақсадда тұхтаттан әди. Сурайман деган нарсасини сұраёлмай гапни айлантириб, үзини баттар қийнади. Томогидан овқат үтмаётганига яраша, гапириши ҳам тобора қийинлашиб бормоқда әди. Ким билади дейсиз, кечгача нима гапу нима сұз. Қазойи муаллақ вақт кутиб турмайди. Билиши лозим бұлған нарсани пайсалға солишининг үлім тұшагида ётғанлар учун күпда хосияти йўқ.

— Менинг зарур ишларим бор әди, ота, — деди Бебит. — Кечқурун әртароқ келарман...

Бебитга жавоб берганидан кейин, Тиркаш осмонга қараб айча ётди. Ниҳоят, ётавериш жонига тегиб кетди:

— Турғазиб қуй,— деди одатдагидай пойгакда жун титаеттап Марваридга.

Илгарилари бир соат-ярим соат дам олгани бұлмаса, күндер куни бескор ётолмасди. Яқин икки-уч кунларгача камширига сұяниб бұлса-да, ташқарига кириб-чиқиб турарди. Энди әса у ёнбошидан бунисига ағдарилиш малол. Бирор турғазиб құймаса, ўрнидан туриб ўтиrol-майди ҳам.

О-о дунё! У қандоқ одам әди-ю, қандоқ бұлиб қолди! Баҳор селларидек, тұғри келса, тепани ағдариб кетадиган шиддаткор әди. Энди ўша шиддатидан нима қолди?! Саксовулдай қовжираган танасию дилгир ўйларидан бошқа ҳеч нима! Адашган йұловчидек дунё уйининг у әшигидан кириб, бунисидан чиқиб кетяпти. Наҳот шундай ўтиб кетаверса? Ҳали битмаган ишлари бор. Жуда-жуда зарур ишлар. Битиролмай ўтса армона кетади. Бир армонки, сұягида қолади!

Марварид дарча ёнига ўтқазиб құйғанидан кейин яшил кенгілкларга, тоғларга узоқ тикилди. Бу тоғларни болалигидан билади. Неча йиллар унинг бағрида бойларнинг қўйини боқди. Колхоз тузилганидан кейин чўпонликни ташлаб, деҳқончилик қилиш учун даштга чиқди. Кейин яна борди... Шунга қарамай, бу вазмин тоғларга ҳеч қачон ҳозиргидек суқланиб тикилмаган әкан. Тоққа ўхшаган тоғ-да, деб юраверибди. Инсон сабр-бардошининг қиёси-ку улар! Етукликнинг рамзи-ку!

Кексаларнинг: «Ота-юртнинг азизлигини она тупроқдан оёғинг узилганида биласан», деганлари шумикан?! Инсон ота-юртнинг азизлигини ота-онасини таниган кундан билиши керак! Тиркаш шу муқаддас туйғудан хабардорлигини пайқамай яшайверипти. Уйқуда яшагандай яшапти!

Танадан жон чиққунига қадар, ҳеч бұлмаса, күз билан қулоқдан айрмасии әкан. Оламнинг сирли сасини тинглаб, унинг мавжудлигига имон келтириб, боқий ва безавол қолаётганини куриб үлмоқнинг ҳам лаззати бор! Тиркашнинг нигоҳи ҳали ўткир. Увадасимон булатларни тилимлаётган чўққиларни аниқ кураёттир. Ҳаёлида Қорақуш ҳақида тўқилган афсонадаги бир қўшиқ чарх уради. Унинг сўзларини унугтган. Илгари ҳам бир әсламоқчи бұлиб эслолмаган. Қариллик-да, унутибди...

Бу афсона — кўп қадимий афсона. Эҳтимол, ёв сиқувига Бардош беролмай, Қорақуш тоғларини паноҳ

тортиб чекинган сүғд суворилари түқишишгандир. Эҳтимол, Қутайбанингми, Чингизнингми ғолиб келишига кўмаклашган қайсиидир хоинга лаънат тамғаси сифатида қадимги туркий қабилалар томонидан тўқилгандир. Ҳар ҳолда, хиёнаткор ота ва жасур ўғил ҳақидаги афсона эди у.

Қадим замонларда Қийқим даштларию атрофдаги тоғлар ота-бала Қорақушларнинг мулки әкан. Кунлардан бир кун бу юртга ёв бостириб кирипти. Аскарларининг мур-малахдай босиб келаётганидан қўрққан Катта Қорақуш ёв ҳукмронлигини тан олиб сулҳ тузипти. Лекин мағрур ва әркесвар ўғли – Кичик Қорақуш бу сулҳни тан олмай уришаверипти. Ваҳимага тушган ота сездирмай ортидан бориб, ўғлининг бир қанотини синдирипти. У юксаклардан узи тухум ёриб чиққан рўйи заминга чархпалак бўлиб қулаб, хоин отасининг ишидан ҳайратга тушганча, тош қотипти. Қўрқоқ ва фарзандкуш ота ҳам тепасига оғир қўниппти-ю, қанотларини тузукроқ йиғишга улгурмай тош қотипти. Юртни эса ёв босипти...

Тиркаш болалигига бу афсонани кўп әшитган. Ўшанда шундай воқеаларнинг бўлганлигига чиппа-чин ишониб, кўп йиллар Катта Қорақушга нафрат билан қараб юрган. Бу фақат афсона әканлигини, халқ уни әркка ташналигини, орзу-умидларини ифодалаш учун яратганини қайдан билсин?! Қийқимлик қумқулоқ сўзамоллар оҳангини келтириб, әзилиб куйлашганида, болалар қолиб, соч-соқоли қордай оппоқ кўнгли бўш кексаларнинг кўзларидан милт-милт ёш оққанини кўриб ҳам бу воқеаларнинг чиндан бўлганига ишонмасинми?! Афсона мазмуни кексалар тақдирига дахлдорлигини, кўзёшлар ўзларининг ўтган умри ва аждодлар тақдирига ачинишидан әканлигини ўн-ўн беш яшар бола қайдан билсин!

Тиркаш қўшиқ сўзларини эслай олмагач:

– Кампир, – деди Марваридга. – Бир қўшиқ бўларди... Қорақуш қўшифи... Эсингдами?

– Қаёқда, – у жун титишдан тўхтамай жавоб берди. – Эшитганману эсимда қолмапти.

Марварид қўшиқ сўзларини жуда яхши эсларди. Бироқ, уни чолига айтмади. Бундан дарди баттар ортади, деб ўйлади. У эса кампирига ишонди. Ўша дилгир қўшиқни унутиб юборганидан дилида севинди ҳам. Хаёлида қўшиқ мазмунини тиклай бошлиди:

«Қорақуш! Сен құрқоқлик қылдинг. Івга дадил чангал уролмадинг. Үғлингга эш бұлолмадинг.

Қорақуш! Сен хоинлик қылдинг. Івга дадил чангал ураётган үғлингнинг толмас қанотини синдирединг

Қорақуш! Сен азроилсан. Осмон-фалакдан қулаб тушиб жон таслим қилаётган үғлинг тепасида азроилдек қанот кериб турибсан!..

Үғлинг сендан улуғ әди! Сендан кучли ва ёвқур әди. Сен унинг шиддатини кесдинг Юртнинг муносиб жонкуярини хазон қылдинг!..

Унинг муқаддас тахти — она тупрогини душман отларининг оёғи остига ташладинг! Муқаддас тожи — осмонидан айирдинг...

Сен ота бұлолмадинг, Қорақуш!..»

Тиркаш беихтиёр инграб юборди. Марварид хавотирланиб иргиб жойидан турди:

— Нима бұлди, Бебитжон?! — деди.

Тиркаш, ҳеч нарса бұлғани йүқ, дегандай бош чайқади. Сарғайыб кетген, аммо деярли бутун тишларини бир-бирига босганича, күзларини ҳорғын юмди Оппоқ соқоли билинар-билинмас титради.

— Ётқизиб құяйми?

Чоли тасдиқ ишорасини билдиргач, кампири юмшоқ түшакка авайлаб ётқизди. Устини курна билан үради. Жойига қайтастганида, очиқ дарча орқали Қорақуш тоғларига қаради. Тутунсимои палахса-палахса булатлар унинг устидан ошиб үтишмоқда әди...

Қорақуш ҳақидаги бу құшиқ Тиркашнинг әски дардларини янгилаб, юрагини сирқиратиб юборған әди. Тунд бир кайфиятда аламли хотираларга берилди кейинги йилларда рүй берған күргина ҳодисалар күз үнгидан ўта бошлади.

9

Езниң бошлари. Тиркашнинг Маржонсойга күчіб борганига бир йилдан ошиброқ қолғанди. Бир куни Бебитнинг ишдан кайфияти бузилироқ қайтди. Буни Тиркаш дархол пайқади.

— Нега нашъянг суст?

— Уруш бошланипти,— деди у.

Тиркаш бу гапга әътибор бермади. Кечки овқатдан кейин, молларидан хабар олиб келди-да, одатдагидек түшагига бенарво چүзилди...

Орадан күп ўтмай, умумий сафарбарлик бошланы. Лйни ўрим яқинлашган пайтда умумий сафарбарлик эълон қилиниши колхозларга кучли зарба бўлди. Тиркаш урушнинг кўпроқча чўзилишини ҳис қилди: «Икки ойгами, уч ойгами боради-ёв,— деб кўнглидан ўтказди.— Бўлмасам йигитларни бунаقا супурма қилиб олиб кетишмасди...»

Назарида, фашизм бир тўда елўпкалар тўдасига ұхшаб туюларди. Безорилар кучи етадими-етмайдими, дуч келган одамнинг ёқасидан олаверади. Бинобарин, йигитларнинг ёппасига сафарбар қилинаётгани унга ғайри-табиий туюлмади. Давлат қаймоқ тўлдирилган тилла косадай гап. Қўриқламассанг истаган ит тумшуғини тиқиб кетаверади. Қўриқлаганга яраша дуруст қўриқлаш керак-да!..

Тиркаш ҳар куни эрталаб ё Қорақушсойга, ё Каримсойга чиқиб кетади. Кўпинча тушда ҳам уйига келмайди. Молларини серўт жойларда ўтлатиб юради. Кечқурун бамайлихотир қайтади. Ўша куни негадир эртароқ қайтгиси келиб қолди. Сигирларини боғлаётганида, уйдан Марварид чиқиб, эчкиларни кўганлай бошлади. Тиркаш одатдагидай улоқларни ажратди. Алоҳида қўрага қамагач, майда-чўйда ишларга андармон бўлиб кетди.

— Ичкарига киринг,— деди соғин эчкиларнинг лачагини ечиб бўлган Марварид.— Мамажон келган...

— Бу ерда нима бор экан унга?— деб тўнғиллади Тиркаш.

Марварид индамади. Қўлидаги лачакларни уй деворидаги қозиқча илиб, ичкарига кириб кетди. Тиркаш ҳовлидаги ишларни баҳона қилиб, анчагача куйманиб юрди. Унинг уйга киргиси йўқ эди. Буни Марварид пайқади. Мамаражаб ташқарига чиқмоқчи эди, қўймади. Яна ўзи чиқди.

— Кирмайсизми!— деди кўзларида ёш ҳалқаланиб.— Мамажон эртадан кейин ҳарбийга кетаркан. Беш пулингиз кетсаям, яхши гап билан жўнатиб юборинг...

«Яхши гапмиш-а, яхши гапмиш!— деб ўйлади Тиркаш кўзлари қисилиб.— Яхши гап керак бўпқоптими! Ҳўқиздай савалаб жўнатиш керақ уни!» Лекин кампирига аччиқ гап айтишдан ўзини тийди. Бўйнидан ип боғлаб судрашаётгандай бир кепатада эшикка йўналди.

У эшикда пайдо бўлгач, Мамаражаб ўрнидан сакраб туриб қўл чўзди.

— Ассаломаляйкүм, ота!

Тиркаш қўлини бермади. Унинг саломига алик ҳам олмади. Тўғри уй тўрига ўтиб, без бўлиб ўтириб олди Орага ноқулай жимлик чўқди. Бир оздан сўнг Мамаражаб:

— Мендан ўтган бўлса кечиринг, ота,— деди.— Ушанда ипни илкис тортиб юборибман...— Отасидан садо чиқмагач, овози товланиб давом этди.— Индинга жўнаб кетяпман. Шунга... келинингизни олиб келиб қўйсамми девдим...

— Менинг келин-пелиним йўқ ҳали...— Фазабдан чатнагудай бўлса-да, Тиркаш сал паст тушди.— Келин миши-а! Топган гапини қаранг...

— Шайтонга ҳай беринг, отаси!— Марварид зорланди.— Шайтонга ҳай беринг. Бунчалик куфр кетманг.

Орага яна узоқ, юракни сиқадиган жимлик чўқди Марвариднинг ҳам, Мамаражабнинг ҳам уни бузишга юраклари бетламади. Тиркаш эса миқ этмасди.

Туяларнинг энг яхиси — кучли, меҳнаткаш ва тўзимлиси нортуя ҳисобланса-да, айримларининг ғалати бир феъли бўлади: ўзини ноҳақ жабрлаганни бир умрга унутмайди. Ўнгайини топса уни оёқ остига олишга ўмров билан эзиб ташлашга интилади. Мамаражаб ота сини жуда туяфөъл ҳисобламаса ҳам, кеки унча-мунчага тарқамаслигини биларди. Бинобарин, бу томонга келаётганида хандон-хушон кутиб олмаслигини назарда тутган, лекин бунчалик бўлар деб ўйламаган эди.

Нафас ютиб ўтираверишдан маъни йўқлигига Мамаражабнинг кўзи етди. Кетиш учун қўзғалаётганида онаси тұхтатди.

— Отангдан оқ фотиҳа олиб кет, болам!— деди ва Тиркашга қаради.— Фотиҳа беринг ўғлингизга, ой бориб омон келсин! Боши тошдан бўлсин!

Тиркаш бир зум ер чизиб, ўйланиб қолди. Мамаражаб бирор сайру саёҳатга жўнаш олдидан фотиҳа тилаб кирганида нима дейишини ва нима қилишини ўзи биларди. Ҳозир нима деб бўларди? Кампирининг айтганларини сўзма-сўз такрорласинми? Бу қўлидан келармикан?

Қизи масаласида унинг ҳукми бешафқат эди: уйида номини тилга олишларини ҳам тақиқлаб қўйди. Мамаражаб ҳақидаги фикрларида эса, кейинги пайтларда, кичик-кичик дарзлар пайдо бўла бошлаганди. Шунинг учун бу масалани, адолат юзасидан, яна бир марта

ўзича сарҳисоб қилиб кўрмоқчи бўлди. Сарҳисоб қилди ҳам. Лекин натижа ўзгармади. Бунинг учун Тиркашда старли асослар бордек эди: у куйиб-ёниб турган пайтда Мамаражаб оила номусини ерга урган синглисини ҳимоя қилди, энг оғир дамда кўчиш борасида отасининг фикрини сариқ чақага ҳам олмади ва ниҳоят, у отани урди! Отани урган ўғилнинг қўлидан падаркушлик ҳам келади. Падаркушлар эса...

У жуда ноқулай аҳволга тушиб қолди: Мамаражаб Тиркаш учун оқ қилинган бўлса ҳам, боши юмалоқ одам. Хатарли сафар олдида турипти. Бундай йўлга тушганларга азал-абад хусумати бўлганлар ҳам оғир гапирмайди. Тил учида бўлса ҳам ой бориб, омон кел, дейди. Тиркаш қаллобликни ёқтирмас, чин кўнгилдан нимадир дейишга лат еган оталик ғурури йўл қўймас, мум тишлаб ўтираверишнинг ҳам иложини тополмас эди.

Мамлакатимизнинг куч-қудратига қаттиқ ишонарди у Душманнинг энг қисқа муддатларда тор-мор қилинишига заррача шубҳаси йўқ эди. Уруш бошланганлиги ҳақидаги хабарга ортиқча эътибор бермагани ҳам шундан эди. Бироқ, уруш — уруш-да. Бир кун бўладими, юз кунми, ўлим билан бирга юради у. Шу пайтгача буни нега ўйламадийкин? Ҳали-ҳозир ўз яқинларидан ҳеч ким жангда қатнашмаётгани учунми? Тиркаш бунчалик худбин эмасди-ку. Афтидан, одам ўзидағи иллатларни ҳаммавақт ҳам сезавермайди чоғи.

Кўнгли тобора юмшаб бораётганини сезди у. Сездию пешонасидан сизиб чиқаётган терни кафти билан артиб, шахт ўрнидан кўтарилди. Нима қилаётганини англаб-англамай эгнидаги мовут чакмонининг этагини силкиб ташлади ва сўзсиз-садосиз ташқарига чиқиб кетди. Эшик ёнида ишдан чарчаб келаётган Бебитга рўпара бўлиб, юзига мўлтираб қаради-да, индамаганча ундан ҳам узоқлашди. «Бекор қилдим! — деган бир аччиқ изтироб вужудини кемириб борарди. — Бекор қилдим!..»

Санглоқнинг ёқасига етганидагина юзига кечки салқин уфуриб, сал ўзига келди. Ҳали аср намозини ўқимаганлигини әслади. Сой бўйидаги кичик булоқлардан бирининг ёқасига чўққайиб ўтириб таҳорат олди. Кейин ҳовлидан бир оз узоқлашиб, барра ўт устига чакмонини узунасига ёйди. Аммо намоз ўқиш ўрнига чакмонига чўк тушганича хаёлга толди: уруш, балки,

буғун-әрта тугаб қолар. Мамаражаблар етиб улгурол-  
маслар ҳам...

У аср намозини қазо қылганини англаганида қүёш  
ботиб, атрофга қуюқ қоронфилик чұка бошлаган әди.

\* \* \*

Хонадаги танг вазиятдан асаблари зирқираб ўтирган  
Марварид өзлиниң қотма юзида яққол аксланаётган  
рухий ғалаённи пайқамади. Тиркашнинг әтак силкиб  
турганини күриб, унга бақрайғанча тикилиб қолди.  
Индамай әшикдан чиқиб кетаётганидагина ҳушини йиғ-  
ди ва она бўридай ув тортиб юборди:

— Тошибагир! Увв!! Тошибагир!..

Онанинг телбавор фарёди Мамаражабнинг юрак  
бағрини ўртаб юборди. Кузларидан тирқираб ёш чиққа-  
нини пайқамай қолди:

— Қўйинг, әнажон, йиғламант! — деди ўксиб. — Ахир  
отам бирон ёмон гап айтмади-ку, нега куюнасиз?!

— Икки оғиз оқ фотиҳасини ҳам аяди-ку у тошибагир!

— Пайқамабсиз, эна, отам бу гал менга сиз ўйлаган-  
чалик бефарқ қарагани йўқ. Феълинин биласиз-ку, дабду-  
рустдан бирон гап айтиши қийин.. Шунисигаям шукур  
қилишимиз керак.

Марвариднинг бўладигани бўлиб, яшин урган дарахт-  
дай мунғайиб қолди.

Ниҳоят, Мамаражабнинг қайтадиган вақти бўлди.  
Марвариднинг ундан ажралгиси келмасди. Ажралса бир  
умр кўрмай қоладигандек, ўламан саттор кетмайсан, деб  
туриб олди. Уни олиб қолиб ҳам бўлмасди. Қўрғон-  
жарда Хинагул ёш боласи билан ёлғиз қолганди. Шунинг  
учун Бебит:

— Сиз ҳам акам билан кета қолинг,— деди она-  
сига.— Мен ҳам борардим-у, конда одам кам, ишга чиқ-  
масам бўлмайди. Ўрнимга одам топилса, әрта кечқурун  
бораман.

Бу маслаҳат ҳаммага маъқул тушиди. Жўнаб кетишаёт-  
гаиларида, Мамаражаб Бебитни четроққа тортиб тайин-  
лади:

Эртага кечқурун Қўрғонжарга бормаёқ қўй,—  
деди ярим товӯшда.— Отам уйда ёлғиз қолмасин. Ило-  
жини топсанг, нариги қуни әрталаб бор, кечгача қайтиб  
келасизлар.

Бебит сменадан кейин бориб, индиниси иложи ёорича ишга етиб келмоқчи әди. Акасининг гапидан кейин, үйланиб қолди. Буни Мамаражаб бошқача тушундими:

- Мабодо боролмасанг омон бўл, ука! — деди.
- Индинга бориб қоларман, соғ-саломат қайтинг, ака!
- Буни уруш дейдилар, бир гап бўлса, уканг... ларга зіалик қиласан үзинг....
- Акажон!! — Бебитнинг кўнгли бузилди.
- Хўп, бўлмаса...

Улар қучоқлашиб хайрлашишди. Индинига ўрнига одам топиб, Бебит Қўргонжарга борди. Акасини жўнатгач, йиғлайвериб жигархун бўлган онасини олиб қайтди. Хинагул вақтинча (Тиркаш жаҳлдан тушгунча) отаси-никида турадиган бўлди. Бу ақл Ҳожининг үзидан чиқди. Қизининг ҳозир Юқори Қийқимга бориб, кўпам иззат топмаслигини ўйлаган бўлса керак. Тиркашнинг ўғлини кузатишга келмаганлигининг үзи ҳам унинг шу фикрга боришига сабаб бўлганди. Келин билан невара керак бўлса, Тиркаш тентакнинг үзи келади, деб үйлади у

Аммо Тиркашга келин билан невара анчагача керак бўлмади.

## 10

Кон ишчиларидан яна бир гуруҳига чақириқ қофози келди. Улар орасида Бебит ҳам бор әди. Тиркаш уни қандай кузатиш лозим бўлса шундай кузатди. Бироқ, конда ишлар тўхтаб қолиши хавфини ҳисобга олиб, шахтёрлар ва фабрика ишчиларини район ҳарбий комиссариатидан қайтаришди.

— Еттисой кони ҳам, — деди ўрта ёшлардаги қоқчак как бир капитан, — фронт учун ишлайди. Сизлар ҳозирча ишлаб турасизлар. Буйруқ бўлса яна чақирамиз.

Буйруқ бўлмади. Бир ойлардан кейин кондаги мала-кали ишчиларнинг ҳаммасини ишда қолдиришди.

Бебитнинг қайтиб келганидан Марварид үзида йўқ севинди. Тиркашнинг қувонганини ҳам, хафа бўлганини ҳам билиб бўлмади. У одатдагидай бир зайлда юрар, уруш тўғрисида Бебитдан ҳеч нарсани сўрамас әди...

Қишлоқларда «фалончидан қорахат келипти», «пис-мадончига қорахат келипти», деган совуқ хабарлар ўрма-

лаб қолди. Тиркаш бунга ҳам әътибор бермай юрди. Уруш — үлимнинг онаси. Уруш бўлгач, қурбон ҳам бўлади-да!

Кузнинг ўрталарида Парда сўфининг ўғлидан қорахат келди. Шундан кейингина Тиркашнинг юрагига ғалаён тушиб қолди. Қўшнининг ғами — ўзини билган одамга ўзиники. Бир томони қариндош-уруғчилик. Шу туфайли у биринчи марта эл йиғилган жойга бориб, Парда сўфига таъзия билдириб қайтди. Кечқурун Бебитни Марвариддан узоқроқقا тортиб, жиддий сўради:

— Нима гап?! Нима бўляпти ўзи?!

— Душман кучлироқ шекилли... Кўп шаҳарларимизни босиб олипти...

— Нега босиб олади?! — Бунга Бебит айбдордай уни силталади. — Нега! Сталин нима қиляпти у ерда?

— Ҳукумат душманни ҳайдаш чорасини кўряпти!

Тиркаш асабийлашиб, ҳаддидан ошириброқ юборганини пайқади. Аммо, босиқ ва ишонч билан сўзлаётгани учун ўғлидан хурсанд бўлди. Бебит одамлар ичидагорипти. Одамлар душманни енгишимизга ишонар экан. Ишонч яхши нарса: ишонч — тирикликнинг ўқ илдизи. Ўқ илдизи қирқиған ўсимлик икки дунёдаям ўнгмайди...

Кунлар ўтиб бораради. Ғалабадан дарак берувчи бирор-бир аломат сезилмасди. Қайтага кун санаб Тиркашнинг ичи пишиб кетди. Дардлашадиган одам йўқ. Ўғлидан қорахат келганидан буён Парда сўфи уйидан чиқмай қўйди. Азадор одам ҳар кимларникига бориб юрмаслиги маълум. Ўзи бир-икки марта бориб келди-ю, уруш тўғрисида гап очолмади. Кампири Тиркашдан баттар: кечасию кундузи худодан душманнинг ер билан яксон бўлишини тилайди. Аммо, бу ишни негадир худо ҳам орқага сурмоқда эди. Бебит ишдан чарчаб келади. Бунинг устига кейинги пайтларда фронт тўғрисида гап очмай қўйди. Сўраган пайтларида қисқа ва дудмал жавоб беради.

Қиличини қайраб қиши келди. Одамларни уй-уйига қамаб ташлади. Тиркаш ҳам әрталабдан-кечгача уйидагорипти. Яхши ҳамки, у тиниб-тинчиб ўтиrolмасди. Бўлмаса тунғадай ёрилиб кетармиди. Азонда туриб молларидан хабар олади. Кейин таҳорат қилиб, намозини ўқийди. Бебитни уйғотиб, биргалашив чой ичишади. У ишга кетгач, шошилмай оғилни тозалайди. Қор устига бир боғничай сочиб, оёғини ёзиб олиши учун эчкиларни ҳоплига ҳайдайди. Қўрасини тозалаб, қум ёяди. Сигир-

ларга қарайди — сув, емиш беради. Ора-сира уйиг кириб, бир соат-ярим соат нафас ростлайди ва тагин ҳаммасини бошқатдан бошлайди.

Қишизгирилари билан Тиркаш зориқиб кутаётган илиқ хабарлар ҳам кела бошлади: душман Москва бұсағаларидан мажақлаб ташланғанди. Қолғанларини дайди итдай қувлаш давом этмоқда эди. Бебит ҳам сергапроқ бұлиб борарди: билиб келған янгиликларини оқшомлари битта құймай айтиб беради.

Қишининг охирларыда Ҳожининг кичик үғали Құрғонжардан суюнчи сұраб келиб, Марвариднинг бошини осмонга етказди. Унинг битта невараси иккита бұлғанди. Қувонганидан чолидан сұраб ҳам үтирмай бир серкани үнгартириб юборди. Тиркаш үзини билмаганга өлди. Кампираи бу хушкабарни оғзи қулоғига етиб айтганида ҳам миқ этмади.

Марварид кичик неварасини күриб келмаса бұлмасди. Эртасига бир өз ун, бир халта қурут, икки-уч пишим ёғ ва Бебитнинг карточасига теккан уч кило шакарнинг ҳаммасини олиб, Құрғонжарга жұнади. Қайтиб келганидан кейин, невараларини сұраб қолармikan, деб чолининг оғзини пойлади-ю, фойдаси бұлмади. Бу қиши, олти ой ёз үтиб, яна қиши келди ҳамки сұрамади. Марварид ундан үпкалаб үтирмади. Үзининг бир оёғи Юқори Қийқимда бұлса, бир оёғи Құрғонжарда бұлиб қолди. Шунга қарши турмаганига ҳам шукур қиласади.

Бебит ҳар куни бир ярим килоча нон олиб келади. Тегадигани шу: шахтада ишлагани учун үзига бир кило, ота-онасига икки юз граммдан. Онаси күпроғини унга едирмоқчи бұлади. Лекин у, буханка нон меъдамни ғижиллатади, деб күпроқ маккайи бодроқ ейди. Мақтаб-мақтаб онаси пиширган жүхори гүжадан ичади. Нонни ота-онасига илинади. Уйда ҳар түрт-беш ҳафтада битта серқа сүйилади. Марварид бир сонини күтариб, у-бу нарсалар билан невараларига жұнайди. Тиркаш аёлининг ишига ҳеч қачон аралашмаган. Гүштнинг ҳаммасини олиб кетганида ҳам, әхтимол, қаёққа обординг, демас. Эрнинг иши топиш-тутиш, аёлнинг иши сарышта қилиш, деб ҳисобларди у.

Қишлоқтарда нон авлиёю бир кафт дон арзанда бұлиб қолди. Одамлар топса еб, топмаса қараб қоладиган булишди. Еттисойда ақвол бирмунча дуруст эди. Кар-

точкалар билан бонларга<sup>1</sup> оз бўлса-да, тиш босар озиқ бериб туришарди. Шунинг учунми, аҳволнинг жуда ҳам оғир бўлиб кетганидан Тиркаш деярли бехабар эди. Ўзи аввалгидек бўлмаса ҳам бир нави тўқ эди. Олдида қирқ-эллик эчкиси, сигирлари, тана-тўлпилари бор. Урушнинг шафқатсиз қонунлари ҳозирча уни четлаб ўтмоқда эди...

Хилватда узоқ яшаганидан Тиркаш одамовиликка кўнишиб қолиши керак эди. Лекин вақт ўтгани сари ниманидир қўмсар, нимагадир кучли эҳтиёж сезар, кўнгли ярим одамдай ўксир эди. Юраги зардобга тўлиб бораётгандай ҳис қиласарди ўзини. Буни ғалаба кунининг чўзилиб, орқага кетаётганига йўярди. Шу ҳолига бояги-боягидай боқибегам кўриниб, кампири билан ўғлини чаљитмоқчи бўларди. У муғамбирликни ўлгидай ёмон кўрарди. Аммо қилаётган иши муғамбирликдан бошқа нарса эмасди. Буни ўзи ҳам сезарди. Шунинг учун баъзан ўзидан-ўзи фижиниб тажанглашиб юрарди.

## 11

Осмон оқиши туман билан қопланган. Кунботишдан эсаётган совук изғирин қор учирив турарди. Тиркаш уйида ўтиrsa тарс ёрилиб кетадигандай бўлаверди. Молхона томига чиқиб, уч-тўрт боғ пичан туширди. Уйига кириб, чопони устидан жун чакмонини кийди. Салласини қулоғи устидан бостириб ўради. Кампираига: «Пичан тушириб қўйдим, молларга солиб тур», деди-да, яқиндагина бориб келганига қарамай, Парда сўфиникига йўл олди.

Парда сўфи анча қариб, чўкиб қолганди. Ўлган ўғлиниг умрини қолганларига тилаб, уйдан чиқмай ўтирапди. Яна бир ўғли фронтда, кичиги тош майдалаш фабрикасида ишларди. Касалмандликдан мол-ҳолига ҳам қараёлмасди. Бу ишларни кампири билан келини қиласарди.

Зерикиб ўтирган экан, эшикда Тиркашни куриб, севиниб кетди у.

— Бормисан, чирақай, жуда дарагинг булмай кетди! — деди тўрдан жой кўрсатиб.— Баъзан сеникига борсамми дейман-у, йўллар гуртук, бирон жойда тиқилиб қоламаними деб қўрқаман.

<sup>1</sup> Бон — нул ўрнида вақтинча муомалага чиқарилган қофоз. Уни етисла шули ҳам дейишган.

У ҳар гал, дарагинг бўлмай кетди, деб Тиркашдан упкалайди. Кампирининг юзига тикилиб утираверишдан зерикса керак-да. Балки, кўргани келувчиларнинг ҳаммасига айтар бу гапни.

Иккаласи фронт янгиликлари, қишлоқлардаги оғир аҳвол ҳақида анчагача гурунглашиб ўтиришиди. Тиркаш қишлоқларда аҳвол оғирлашиб кетганини эшитганди. Парда сўфининг айтганларини ўша узуқ-юлуқ эшитиб юрганларининг такори деб билди. Фикри-зикри қўшинларимизнинг илгарига силжиши билан банд эди. Бу толиқ-кан асабларига таскин бериб, кунглини кўтарарди. Ҳалқ тортаётган қийинчиликлар тўғрисида эшитгандарини шу қувонч соясида қолдириб юборарди. Ўсма кетса қош қолади. Одамлар бугун озиб-тўзиётган бўлиши, елкасига офтоб тегадиган кунлар узоқ әмас, деб ўйларди...

Тиркаш энди кетмоқчи бўлиб турганида, Ёмонтошдаги чакалакни қийратиб қирқаётган одамларни кўриб қолди. Улар катта-катта дарахтларни ҳам аямай ағдариб ташламоқда эдилар. Бир қисми ағдарилган дарахт ва буталарни эшакларда ташиб кетишаётир. Келаётганида ҳам у ерда одамлар ғимирлаб юришганини кўргандай бўлувди, эътибор бермаган экан.

— Улар нима қилишяпти ўзи? — деб суради у Парда сўфидан.

— Кўряпсан-ку, чирақай,— деди у афсус оҳангиди.— Чакалакнинг офатини беришяпти. Пастни шипшийдам қилишиди.

— /Қўй дегани хўжаси, қўрқитгани бўжиси йўқмикан буларнинг?!

— Начайликлари қирқавер деб, бутун бир артелни шу ишга қўйганмиш. Ёз-қиши ташишади.

— Бунақада яна бир-икки йилда бутун тоғни шипшийдам қилишади-ку!

— Билмадим, чирақай, билмадим...

Тиркашнинг томирларида анчадан буён сокин оқаётган қон қайтадан гупура бошлади. Чакалак ва ёввойи дарахтлар тоғнинг зийнати. Бағрида қор тутиб нам сақлайди. Мевалари ёш-қарининг эрмаги. Тоғни шипшийдам қилиб қўйиш — тиниқ сувли чашмаларни, сой тўла сувни, гуркираб ўсадиган пичанзорларни қуритиш дегани-ку! Ахир бу паррандалару даррандаларни йўқ қилиш дегани. Қор-ёмғирларга тупроқни ювдириб юбориб, ҳаммаёқни тошлоқча айлантириш-ку, бу! Бутаб

олишка ёки саралаб қирқишиша бир нави эди. Бу тарзда ёппасига қирқишиш — үзимизга ноз-неъмат берәётган табиатга нисбатан ваҳшийлик-ку! Тоғлар бу ваҳшийликни кутармайди. Бунақаси кетмайди!

Ғазаби қўзиб кетганидан охирги фикрини овоз чиқариб айтиб юборди:

— Бунақаси кетмайди!..

Парда сўфининг ҳайҳайлаганига қарамай, сапчиб уйдан чиқди. Остонадан ўтгач, ўчоқбошида занглаб ётган болтага кўзи тушди. Негадир уни ҳам кутариб олди. Буни қўриб, Парда сўфининг жон-пони чиқиб кетди. Ортидан ҳайҳайлади:

— Қайт, чирақай, қайт! Қайт, тентак!! Қариганингда қамоқда ўлгинг келяптими, қайт?!

Тиркаш гапга қулоқ соладиган ҳолатда эмас эди. Кўзига ҳеч нарса кўринмас, қулоқлари том битгандай эшиитмас эди. Ҳаллослаб Суюндиксойдан маҳсиси билан кечиб ўтди. Товонидаги йиртиқдан маҳсисига сув ўтганини пайқади. «Тош» калиши сувга тўлиб, билчиллаб қолди. Бунга эътибор бермай олдинга — тепага интилади. Тик ёнбағирликдан кутарилишда оёғи тийғаниб йиқилар, совуқ қорни чанглаб юқорига тирмашар, негадир қорнинг совуқлигини сезмас эди.

— Нима қиляпсилар, кўрнамаклар! Йўқол ҳамманг, йўқол! Биттангниям қолдирмай чопиб ташлайман худди... Йўқол!

Ҳа йўқ-бе йўқ, кутилмагандан айиқдай үкириб келаётган чолнинг важоҳати ўтинчиларни чўчитиб қўйди. Унга яқинроқ турганлар болтасига ҳам қарамай бир четга қочиб ўтишди. Тиркаш эса гандираклаб бориб, улар қолдирган ўткир болталарни бирин-кетин сойга улоқтириди.

Ўтинчилар ҳар жойдан йиғилиб, конга юборилган ишчи батальонлардан эди. Ҳеч бири Тиркашни танимасди. Тиркаш ҳам уларни биринчи марта кўраётганди. Кўпчилигининг бошида эса телпак, әгниларида яғир паҳталиқ, баъзилари қирқ ямоқ чопон кийиб олишган. Оёқларидаги тоштоворлари ямалаверганидан, аслида қанақа рангда бўлганлигини аниқлаш қийин эди. Совуқдан юzlари сур тортган, кўзлари йилтираб кўринади. Тиркашга хавотирланиб тикилишади.

Сал ўзига келгач, ўтинчиларнинг туришлари унинг шаштини кесиб қўйди. Негадир уларга раҳми келиб, насиҳатомуз гап айтди:

— Чакалакни бунақа аёвсиз қирқиб бўлмайди, ука лар. Боринглар, энди бундай қилманглар.

Афтидан бригадири бўлса керак, ёши әлликларга борган киши олдинга чиқди. Бошида ярғоқ телпак. Нафа сидан чиққан буғ мўйловининг устини терчитиб юборган.

— Начайнук буюрган, ўтун ташимасаг бўлмайду бово,— деди тожикча талаффузда.— Ўзиз биласуз, аҳвоғур...

Тиркашнинг кўнгли бир хил бўлиб, гап уқтиromoққа чоғланди:

— Тоғларни яланғоч қилиб бўлмайди, ука. Бунинг оқибати баҳайр бўлмайди...

— Начайнук буюрган-до, бово! — Бояги киши унинг гапини бўлди.

— Начайлик-пачайлиг'ингни билмайман! — Тиркашнинг овози ўзгара бошлади.— Бориб айт ўша янги тўрага, Тиркаш деган чол ҳайдаб юборди де. Ўзи чакалакнинг ўртасида ўтирасам, қирқишдан озорланиб, тезак билан таппи тутатиб ўтиракан де. Ўтиндан қийналсак бир бостирма чолмаси бормиш, шуни лиллойига<sup>1</sup> берармиш де...

У билан пачакилашиб ўтириш фойдасизлигини ўтичилар тушунишди. Иккитаси сойга тушиб, болталарини олиб чиқишиди. Кейин ортларига қараб-қараб, бригадири етакчилигига жўнаб кетишиди...

Ўтинчилар кўздан ғойиб бўлганларига қадар, Тиркаш қийратилган чакалакзорда қимирамай турди. Шундагина товонининг сув кирган жойи совқотгандай бўлди. Сув — сув-да, қор кирмай юрувди.

Суюндиксойга қайтиб тушаётганида, нариги бетда бир-икки кишининг қараб турганини кўрди. Уларни Парда сүфи чақиртирганини сезди. Бир ишқал чиқармасин, деб чақиртирган бўлса керак. Ишқал чиқмайдиган бўлгач, сойга тушиб ўтиришмаган.

Келаётганида паст-баландига қарамай сув кечиб кетаверган экан. Қайтишда пайтавасини баттар ҳўл қилмаслик учун сойнинг торроқ жойидан сакраб ўтмоқчи бўлди. Назарида қулайроқ қўринган жойдан сакраганди, яна сувга тушди. Тепадагилар қараб турипти деб ўйладими, афсус оҳангиди:

<sup>1</sup> Лиляйига — текинга демоқчи.

— Ҳай ёшлигим! — деди баланд товушда ва кулимсираб юқорига қаради. У ерда ҳеч ким қолмаганини күргац, норози оҳангда тұнғиллади. — Ёшлигингда гүр ҳам әмас әдинг!.. Үшандаям үлгудай ношуд латтачайнар әдинг!

Сойдан чиққац, ивиган пайтавасини қуритиб олиш учун, ноилож Парда сұфиникига қайтиб кирди.

## 12

Тиркашнинг болта күтариб кетгани Парда сұфини чинакамига құрқитиб юборғанди. Иш тинчлик билан ҳал бұлди-ю, аммо жанжал бу билан тугамаслигини сезиб турарди у. Шу сабаб бирор соатлардан кейин, Тиркашни излаб келишганига ажабланмади. Уни оғирроқ бұлишга ундағ қолди...

Бошлиқнинг идорасига етганида, Тиркаш ҳайратта тушиб, күчанинг ўртасида туриб қолди: идора рұпарасидаги ошхонадан чиқиб келаётган ишчиларнинг деярли ҳаммаси тоғни урса толқон қиласынан үйгитлар әди. Бебитга үхшаган беш-түрттаси қолмаса, ёшларнинг ҳаммаси фронтда деб үйлаганди. Ҳовлисида үғри турғанини билиб ҳам болалари ён әшикдан үтинга чиқиб кетган отадай ижирғанди. Ёнидан үтиб кетаётган йигирма-йигирма беш ёшлардаги йигитни тұхтатиб, дабдурустдан сүради:

- Қаерда ишләяпсан?
- Драбилькада...
- Нега урушга бормаяпсан?
- Юборишмаяпты.
- Нега юборишмайди?!

— Билмасам... — Йигит аввалига елка қисди-ю, сабабини үзи айтди: — Душманни қуруқ құл билан енгиб бұлмайди шекилли. Қурол-аслача учун маъдан керак. Уни биз етказиб беряпмиз.

- Аха...

Тиркаш құнглида йигитнинг ҳақ гапни айтганлигини тан өлди. Бир оз юмшаб, бөш-оёғига күз югуртирди. Оёғидаги қалин пайтава билан кийилған таги ёғоч брезент нойағзални күриб ажабланди. Пайтаваси қалин бұлғанидаям қиши чилласида оёқни совуқдан асраёлмайди, деган фикрга борди.

Оёғингдаги нима?! — деб сүради, этигинг йүқми, деган оҳангда.

— «Муллатақиллоқ», — деди йигит күзларини пир-пиратиб.

— Нима?!

— Америкаликларнингми, инглизларнингми «сов-гаси». Юрганда тақиллайвериб жонга теккани учун ўзимизча «муллатақиллоқ» деб от қўйиб олганмиз.

— Совға қиласа күн патинка қуриптими?

— Бизнинг қирилиб кетганимиз билан капиталист-ларнинг неча пуллик иши бор?

— Аҳа!

Жавоб Тиркашга ёқди. Америка билан Англия қийин-чилик тортаётганларга жони ачийдиганлар бошқараётган давлат эмаслигини у босмачиларга қарши қуаш йилла-ридаёқ билиб олганди. Аммо, йигит совуқда нега бу тасқарани кияди? Ота-боболаримиз қийналиб қолган пайтларда чориқ киярди-ку. «Муллатақиллоқ»миш! Уни ёзда кийса бир нави...

— Конда сенга ўхшаб «муллатақиллоқ» кийиб юр-ганлар кўпми?

— Топилади...

Йигит кетмоқчи булаётганди, Тиркаш яна саволга тутди:

— Чориқ кийсаларинг бўлмайдими? Оёқларинг иссиққина юрарди...

— Нима у чориқ?

— Ота-бованг хон ўтганмидики, чориқни билмайсан?!

Йигитнинг у билан айтишиб ўтиргиси келмадими, жұнаб қолди. Бундан Тиркашнинг баттарроқ жаҳли чиқиб, ортидан бақирди.

— Бизлар чориқ кийишдан уялмаганмиз, ҳой тўрача! Оёғинг тарашадай қотганида биласан унинг қадрини...

Бошқарма идорасидан ўзини бошлаб келган киши билан эллик ёшлар чамасидаги турва соқол, чарчаганидан бўлса керак, кўзлари киртайиброқ қолган чуваккина бир киши чиқди.

— Нима гап? — деди у ажабланиб. — Нима шовқин?

— Анови нодонга оёғинг тарашадай қотишидан аввал чориқ кий десам, нима у чориқ, деб кишини мазаммат қиласи! — деди Тиркаш фифони чиқиб. — Вой нодон-эй!

Нотаниш кишининг қулоғига ёнидаги киши нимадир деб, терс қараб кулди. У эса чаққон келиб, Тиркашнинг қўулини олди. Ўзини Тўра Алиевич деб танишитирди. Куринишидан кон бошлиқларидан бирига ўхшарди. уни ичкарига таклиф қиласи.

Ҳамон жаҳлдан тушмаган бўлса-да, кабинетга киргач, Тиркаш ўзини қўлга олишга интилди. Кенг-мўлгина хонанинг ўртароқ бир еридаги стулларга ёнма-ён ўтиришаётганида:

— Бу болалардан упкалаб ҳам бўлмайди,— деди нолигансимон.— Улар биз тотган уқубатларнинг ўндан бирини totмаган, қорни очиқиб нон еб кўрмаган.

Тўра Алиевич эътиroz билдири:

— Сиз хафа бўлаётган ўша йигит анчадан буён қорни тўйиб нон егани йўқ. Шундай бўлсаям чидаб ишляяпти...

— Эҳтимол шундайдир.— Тиркаш унинг гапини булди.— Ҳар ҳолда, бизларчалик қуюқ қулчага зор булгани йўқ. Шунинг учун бебош бўлиб ўсишган. Биз кўрган кунлар бошларига тушса, билмадим нима қилишарди.

Тўра Алиевич Тиркашни танимасди. У уруш тўғрисида ҳеч нима билмайдигандек, гуё қирқинчи йилдан кейин «лўп» этиб қирқ учинчи йилдан бош чиқаргандек, ё қандайдир осмондан тушгандек таассурот уйғотди. Шунга қарамай, ётифи билан гапирди:

— Ҳамма даврларда ҳам ўз ечимини кутиб ётган қандайдир масалалар бўлган, отахон. Бу масалани ўша давр одамлари ешишган: ўтмишдаги ёки келажакдагилар эмас.

Тиркаш унинг гапини бўлмай әшиитди. На маъқуллади, на эътиroz билдири. Бошини қуий солиб ўтириди- ўтириди-да, бирдан кўтарди. Лоқайдроқ оҳангда сўради:

— Мени чақиртирган начайлик сиз бўласизми?

— Ҳа, ўша начальник... мен бўламан.— Тўра Алиевич жилмайди.— Қулоғим сизда.

Тиркаш фалсафа сўқаётган бу тўрвасоқолнинг чакана одам әмаслигини фаҳмлаганди-ю, әнг катта бошлиқ шудир деб ўйламаганди. Назарида, катта бошлиқ соқолмўйловини тухумнинг пўчоғидай қиртишлаган басавлат ва жаҳлдор одам бўлиши керакдай эди. У роса ғижиллашмоқчи бўлиб, тишини қайраб келганди. Афтидан, бу тўрвасоқолга бақириб ҳам бўлмайди, одамни кулиб сингадиган писмиқ хилиданга ўхшайди.

— Тоғдаги чакалакзорларни қирқиши буюрган сизмисиз?!— деди овозини бир парда кўтариб ва унинг катта бошлиқ бўлиб чиққанидан ажабланаётганини яширмай.

Ҳа, менман.

Нега бундай қиляпсиз?

- Иложсизмиз, отахон.
- Оқибатини ўйлайсизми?! Бу тоғлар ҳали бизга керак бұлади. Биздан кейингиларгаям керак!
- Тушунаман...
- Тушунганингиз шуми?!

Аллақандай тажант чол ҳайдаб юборганини әшитганида, Тұра Алиевич үтінчиларнинг бригадирини чақыртириб, воқеани батафсил суриштирганди. Диляда үша чолни чин күнгилдан қувватлаганди. Болалиги Тошкентнинг четидаги шовуллаган дараҳтзорлар орасыда үтганлигидан, чакалак ва дараҳтзорларнинг қадрига етарди у. На чора! Шароит фидойиликни талаб қиласы.

Одамлар орасыдаги қырғынбарот уруш табиатнинг үзига ҳам қирон келтираётганини тасодифан тушуниб қолғанди у. Аммо на чора! Мақсадга етиш учун бутун мамлакат күпгина күз қиймас нарсаларини құрбон қилиб юбормоқда әди. Ана шуни тушунтириш мақсадида чақыртирганди. Ҳаммасини батафсил тушунтирмоқчи әди. Лекин Тиркашнинг гапта қулоқ солиши душвор бұлыб турарди: али деса, бали деб, ёқасидан олиб кетгүдек қизишарди.

Тұра Алиевич Тиркашни ҳөвридан тушириш учун гапни узоқроқдан бошлади.

- Оиланғизда неча киши тұрасизлар?
- Уч киши,— деб тұнғиллади Тиркаш.— Мен, үғлим, кампирим...
- Еттисойда қанча одам яшашини биласизми?
- Билмайман.
- Мингдан ортиқроқ!
- Йұғ-ә...
- Улар ҳар куни нон емаса бұлмайды.— Тұра Алиевич Тиркашнинг ҳайратланганини пайқамагандай давом әтди.— Лекин нонвойхонада үтін йүқ. Ишчиларни бир маҳал бұлсаям дурустроқ овқатлантириш керак, ишчи батальондагилар ётадиган баракларни иситиш керак, болалари урушга кетиб, үтін ташувчиси қолмаган оиласылар бор... Ҳаммасига үтін керак. Қиши эса, күриб турибсиз, забтига оляпти. Айтинг-чи, сиз бермоқчи бұлаётгандай чолма шу әхтиёжлар учун бир кунга етадими? Борингки, иккі кунга етсін. Кейин-чи? Кейин бутимизни үчоққа қаласак ёнадими?!

Тиркашнинг у билан пачакилашиб үтиргиси келмай қолди. Шу туғайли бусиз ҳам құзилиб кетаётгандай ҳанғомани тұхтатмоқчи бұлды.

- Үтін керак бұлса,— деди дона-дона қилиб,— уни

бошқа ёқдан олиб келинглар. Кўмир ёқинглар. Ҳадеб тоққа болта кутариб чопавериш яхши эмас!

— Буни ўзимиз ҳам биламиз, аммо қани транспорт?! Флотациядан чиқсан маъданни ҳам темир йўлгача туяларда ташиймиз. Қайтишда озиқ-овқат ва бошқа керакли нарсаларни юклаб келамиз...

— Атиги икки-уч йил илгари изғиб ётган мосинларинг қани?!

— Урушда, бутун техника фронтда. Бу ерда урушга жўнатишнинг сираям иложи бўлмаганларигина қолдирилган... Қолаверса, темир йўлларда ҳам кўмир ташилаётгани йўқ. Ташийдиган бошқа зарур нарсалар бор...

Тиркаш бир зумгина ўйланиб қолди. Тўра Алиевичга қаттиқ тикилди.

— Аҳволимиз шунчалик оғирми?! — деди кўзини узмай.

— Енгил эмас.

Тиркашнинг кўзлари киртайиб, шашти пасайиб қолди. Юрагини интиҳосиз бир дард ўртарди. Бу дард чакалакзорни қирқтирумасликнинг иложи йўқлигини тушунганидан пайдо бўлганини Тўра Алиевич ҳам пайқади. Унинг фикрини бошқа томонга chalfitish ва ўзини қизқитириб қўйган бир нарсани аниқлаш мақсадида кулимсираб сўради:

— Энди чориқ масаласига қайтайлик...

Тиркаш хўмрайди.

— Чориқнинг нимасини гапириб ўтириш керак яна?

— Тажриба — зўр нарса. Ота-боболаримиз бекорга кийишмагандир уни. Тикилиши осон, ҳам арzon, оёқни иссиқ тутади...

— Бу-ку, тўғри-я! — Тиркашнинг яна қони қайнай бошлади.— Кимга кийдирасиз уни? Бояги тўрачагами? Киймайди у!

Бошлиқнинг ҳам жаҳли чиқди. Кўзларини Тиркашга ўқдай қадади.

— Ҳай-ҳай-ҳай! — деди таассуф оҳангиде бош чайқаб.— Сиз билан биз кўпни кўрган одамлармиз. Ҳозирги йигитлар эсини танишганида ҳеч ким чориқ киймаган, ахир! Шунинг учун кўплари бу сўзнинг маъносини ҳам билмайди. Уни ҳатто мен ҳам билмасдим... ёшлигимда кийиб кўрмаганимда... Ҳуш, чориқ тикиш қўлингиздан келадими?

...Илгарилари амиркўн маҳси-калишлар, қўнжига гул туширилган қалапойафзал этикларни бойларгина кияр-

ди. Оддийгина тоштовон билан қизил мүкилар ҳам ўнга дурустроқларда бўларди. Купчилик хом теридан тикилган жўнгина чориқда юрарди. Инқилобдан кейин беш-ўн йил ичидаги чориқлар ўз-ўзидан йўқолиб кетди. Ўринни қўнжи узун кўн ботинкалар, бежирим калишлар, мирза этиклар әгаллади. Буни Тиркаш ҳам пайқамай қолмади. Шунда яна бир нарсани англади: чориқ — йўқчилик белгиси әкан. Бугун унга яна ишимиз тушяпгими, алам билан ўйлади у, демак, аҳвол чиндан оғир әкан-да...

— Неча жуфт тикай? — деди у.

— Намуна учун бир жуфт. Бошқасини ўшаларга қараб ўзимизнинг усталар тикаверишади. Конда яхши тикдўзлар ҳам бор. Йиртилган пойафзалларни ямаб бериб туришипти. Бироқ, кўн йўқ. Чориқ тиктириш ҳеч кимнинг эсига келмапти.

— Яхши. Эрталаб ўйимиздаги ҳамма териларни йиғишишиб келаман. Усталарингиз билан бирга тикмиз. «Муллатақиллоғи» амриқоликларнинг ўзига сийлов.

— Ёзда у ҳам керак бўлади, — деди Тўра Алиевич кетиши учун қўзғалган Тиркашга ҳар иккала қўлини узатиб хайрлашаркан. — Керакли тошнинг оғири йўқ...

Тиркаш ваъдасига биноан эртасига яна келди. Шу билан Еттисойга ҳар куни бир келиб кетмаса, үйида туролмайдиган бўлиб қолди.

### 13

Тиркаш Еттисойдан муҳимроқ янгилик әшитиб қайтса, Парда сўфиға айтмай ўтмасди. У ҳам шунга ўрганиб қолганидан, келишини илҳақ бўлиб кутарди.

Бу гал уницида кўпроқ ўтириб қолди. Қўшинларимиз Сталинградда душманнинг минг-минглаб солдатларини қириб ташлаганидан тортиб, казо-казолари билан беш юз минг аскарини асирга олганигача ўз кўзи билан кўриб келгандай айтиб берди. Парда сўфи қувонганидан яккаш «ие!», «яҳа!», «вой чирақайларим!» деярди.

Йўлга чиққанида алламаҳал бўлиб қолганди. Осмонни оқиши ғубор қоплаган. Ҳаммаёқ оппоқ қор бўлгани учунми, дурустгина изғирин уриб турганига қарамай, атроф яхши кўринарди. Оёқ остидаги қор сумак бўлиб қотган. Юрдана ёқимсиз ғижирлайди.

Йўлнинг ярмидан ўтганида, кўзи ногаҳон ён томон-

даги тепа устида чүнқайиб ўтирган қорага тушди. Ава  
лига тошми, бутами деб ўйлади. Қарийб рұпарасы  
боргач, бурилигини пайқаб, эти жимирлаши. Бунда  
хавода оч бўри жуда тажовузкор бўлади. Купайиб кети  
худо урди. Уйгача ҳали анча бор. Орқага қайтиб бўлмайди.  
Унда Парда сўфиникига етказмай олади.

Бўридан кўз узмай, юришини тезлади. У ҳам қалқи  
туриб, тепа бўйлаб чўзилиб кета бошлади. Баъзан то  
ва буталар орасида кўринмай қолади. Тиркашнинг хаво  
тири кучайган пайтда яна пайдо бўлади.

Бўриларнинг одатини яхши билганликдан, у үзич  
тахмин қила бошлади: қашқир шу юришда тепа бўйла  
уч юз қадамча жойга ёнма-ён боради. Тепалик чекинга  
жойда, қиялаб пастга тушиб, йўлни кесиб ўтади ва чака  
лакзор орасида пойлайди. Одатда кучли ва тажрибал  
бўри шундай қилади. Қари, касал ва ҳолдан тойғанлар  
бунаقا «шартларни» бажариб ўтирумайди. Афтидан  
буниси унақалардан эмас. Юриши бошқача.

Тиркаш, ҳужум бўлар, деб чамалаётган жой ҳовлиси  
дан бор-йўғи икки юз қадамча берида эди. Қулида ақалла  
чивиқ ҳам йўқ. Чакмонининг чўнтагини уриб кўрганди  
гугурт шиқирилади. Еттисойнинг магазинидан карточка  
ўн қути гугурт олгани шундагина эсига тушди. Қувони  
кетди. Бўри оловдан қўрқади. Вақтинча бўлса ҳам амал  
лаб даф қилади. Қолганига худо пошишо.

Гугурт борлиги руҳини кўтариб юборди. Юришини  
секинлатмай пичирлади:

— Қашқир, қашқир, қашқир...

Айтишларича, қашқирнинг ўз қўшифи бўлармиш

— Бўри, десанг бўртаман,

Қўйга қараб йўртаман.

— Қашқир, десанг қапишаман,

Ерга лойдай ёпишаман...

Мўлжали тўғри чиқди. Тепалик муюлишида йўлга  
пусиб тушаётган бурига кўзи тушиб, титраб кетди. Куч  
билан ўзини қўлга олиб, илдам кетаверди. Довдираф  
иккиланса ёки тўхтаса, бўри йўлни ўзгартириши мумкин

Йўлни кесиб ўтаетганида, бурини аниқ кўрди: қа  
мишдай диккайган қулоқларию узун думигача. Ўзиям  
тойхардай келади. Сойга тушиб ғойиб бўлди. Бирпасдан  
кейин нарироқдаги чакалак орасига уриб кетаётганини  
кўрди. Қорабой бўғилиб ҳура бошлади. У маҳкам беки  
тилган дарвозадан чиқолмасди.